

Xabar

42

(943)-son

15-oktabr

www.xabar.uz

info@xabar.uz

xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

Ўзбекистон почта маркалари

Почта маркалари мамлакатнинг ташриф коғози. У нафақат хат жўнатмалари учун тўлов усули, балки мамлакат ҳақида, унинг тарихи ва маданияти, шахслари ва намоёндалари, флора ва фаунаси ҳақида маълумот берувчи восита вазифасини ҳам ўтайди. Хат билан дунёнинг турли бурчакларига етиб борадиган маркаларда юртимиз нафаси уфуриб туради.

Мамлакатимизда почта тўловлари учун давлат белгиларини тайёрлаш ва тарқатиш билан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг "Ўзбекистон маркаси" филиали шуғулланади. Ушбу корхона фаолияти 1992 йил, Нодирабегимнинг 200 йиллик таваллудига бағишлаб чиқарилган биринчи марка билан боғлиқ. Айни шу тарихий воқеа Ўзбекистонда мустақил маркачилик саноатини бошлаб берди.

5-бет



**АИСТ2010 –
АКТ СОХАСИ
МУТАХАССИСЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОНДА**

Жорий йилнинг 12-14 октябр кунлари Тошкентда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш – АИСТ2010 (Application of Information and Communication Technologies) туртинчи халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унга ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги ахборот технологиялари институти (Россия), АКШнинг IEEE (The Institute of Electrical and Electronics Engineers) — Электротехника ва радиоэлектроника муҳандислари институти Коммуникация ҳамжамияти ҳамда IEEE Техник қўллаб-қувватлаш институтининг Ўзбекистондаги минтақавий бўлими ҳамкорлигида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети, Кавказ университети (Озарбайжон) ташкилотчилик қилди.

3-бет

Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

Samsung компанияси Жанубий Кореянинг KT Corp билан алоқа оператори билан ҳамкорликда реал вақтда тўловларни амалга оширувчи мобил телефон аппаратини ишлаб чиқди. Ҳозирча бу ҳамкорлик маҳсули корейс бозорига мўлжалланган бўлиб, уни кейинчалик Осиё бозорига ҳам чиқариш кўзда тутилмоқда.

Телефон Near Field Communication (NFC) технологиясига асосланган. Компаниянинг хабар беришича, 2011 йили NFC чиплари ўрнатилган яна бир нечта турдаги телефонлар чиқарилади.



Ушбу сонда:

- Тўққиз ой яқунлари таҳлили 2
- Оптик дискда 1 терабайт ахборот 4
- Он-лайн встреча с министром 6
- Жаҳон почтаси 11
- Вадим Менков – дунёнинг энг яхши каноэчиси 15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Umadan umagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 7 октябр кун Оқсаройда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Талеб Рифанни қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан ЮНВТО ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон билан Германия ҳамкорлигига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги илмий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтиришга оид маърузалар тингланди.

Тошкентда 13-14 октябр кунлари VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцария Конфедерацияси Федерал йиғини Кантонлар кенгашининг ташқи сийёсат масалалари бўйича комиссия раиси Эжен Давид раҳбарлигидаги делегация 11 октябр кун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди. Делегация аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида ҳам бўлиб, икки томонлама ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тошкентда юртимиз оторинларингологлари - қулоқ, томоқ, бурун шифокорларининг икки кунлик анжумани ўтказилди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика оторинларингологлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда юртимиз олимлари ва шифокорлари билан бир қаторда Россия, Польша, Қозғистон, Тожикистондан келган мутахассислар ҳам қатнашди.

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Ёшлар театрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Theatre.UZ/2010" биринчи халқаро театр фестивали якунланди. 2 октябрдан 11 октябргача давом этган ушбу фестивал юртимиз театр санъатини янада раванқ топтиришга ҳисса қўшиш, юртдошларимизни миллий ва жаҳон театри намуналаридан баҳраманд этиш, ижодкорларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши учун имкон яратишда алоҳида аҳамият касб этди.

Қашқадарё вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонасида "Энг меҳрли кутубхоначи" кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда Ғузор туманидаги кўзи ожизлар махсус кутубхонаси мудираси Санам Камолова биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Тўққиз ой якунлари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплексининг 2010 йилнинг 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазибаларнинг бажарилиши, жумладан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инновацион лойиҳалар, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш дастурларининг, инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

2010 йилнинг 9 ойида Комплекс бўйича жами 1 триллион 924 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати 2009 йилнинг шу дав-

рига нисбатан 116,8 фоизни ташкил этди. Аҳолига 925,4 миллиард сўмлик (106,3 фоиз) пуллик хизматлар кўрсатилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 191,9 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ўзлаштирилди ёки режа 175,1 фоизга бажарилди.

Экспорт прогнози кўрсаткичлари 123,8 фоизни ташкил қилди.

Шунингдек, йиғилишда Баркамол авлод йили Давлат дастури доирасида миллий маънавиятимизни юксалтириш орқали менталитетимизга хос бўлмаган иллатлар келиб чиқишининг олдини олиш, ёшларни спортга жалб этиш, спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, уларни юқори малакали мураббий кадрлар билан таъминлаш, ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, архив ишини такомиллаштириш, марказий давлат архивларини реконструкция ва модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар

самарадорлиги таҳлил қилинди.

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳўкимлик органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳўлати, қоғозни тежаш ва ундан оқилол фойдаланишнинг аҳўвали, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигида "ZiyoNET" ахборот-таълим портални ўқув-тарбиявий ресурслар билан бойитиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа муассасаларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилди.

Йиғилишда Комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўйилган устувор вазибалар ижросини йил якунигача сўзсиз таъминлаш юсидан амалга оширилиши лозим бўлган қўшимча чора-тадбирлар белгилаб олинди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТАТУ талабаларига стипендия

Маълумки, ҳар йили Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан Тошкент ахборот технологиялари университетининг иктидорли талабаларига стипендиялар топширилади.

Жорий йилда ҳам ТАТУ ва унинг филиалларидан 13 нафар иктидорли талаба конференцияларда фаол қатнашиши, фанларга қизиқиши, илмий ишларда иштироки, мақолалари, университет ижтимоий тадбирларида қатнашиши каби кўрсаткичларига қараб стипендияларга сазовор бўлдилар.

Демак, танишинг:

- Светлана Эрнстовна Отто, ТАТУ, 4-босқич, ахборот технологиялари факултети;
- Кирилл Александрович Деревенцев, ТАТУ, 3-босқич, радиотехника факултети;
- Учқун Турғунович Турсунбоев, ТАТУ, 3-босқич, иқтисод ва бошқарув факултети;
- Артур Андреевич Аритюнов, ТАТУ, 3-босқич, Самарқанд филиали ахборот ва педагогика технологиялари факултети;
- Азиз Аслидинович Қаюмов, ТАТУ, 3-босқич, Самарқанд филиали ахборот ва педагогика технологиялари факултети;
- Анвар Маткаримович Рўзметов, ТАТУ, 3-босқич, Урганч филиали ахборот технологиялари факултети;
- Жасур Исломов, ТАТУ, 3-босқич, Қарши филиали ахборот технологиялари факултети.

Стипендиялар муборак, азиз талабалар!



Баркамол авлод йили Давлат дастури доирасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Жиззах, Тошкент, Андижон филиаллари почта алоқаси тармоқларида бешта янги интернет-кафелар очиб режа-лаштирилган.

ЯНГИ ИНТЕРНЕТ-КАФЕЛАР УЧУН

Мазкур филиалларда янги интернет-кафелар очилиши мўлжалланаётган бино хоналарини санитар ва ёнгин хавфсизлиги талаблари асосида тайёрлаш ишлари якунланмоқда.

Интернет-кафеаларнинг 30та иш жойларини жиҳозлашга керак бўладиган техникаларни жамият томонидан марказлаштирилган ҳўлда танлов асосида сотиб олиш учун 55,5 млн. сўм ажратилди.

Ҳўзирги кунда ушбу техникаларни сотиб олиш бўйича танлов голиби билан шартнома тузиш юзасидан тегишли ишлар олиб бориламоқда.

Pochta.uz

АICT2010 – АКТ соҳаси мутахассислари Ўзбекистонда

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Анжуманнинг тантанали очилиш маросими 13 октябрда пойтахтимиздаги “Дедеман” меҳмонхонасининг “Silk Road” анжуманлар залида ўтказилди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаев, Кавказ университети ректори, профессор Аҳмет Санж, Ucell компанияси бош директори Огуз Мемгоевен, ЮНЕСКОнинг таълим соҳасидаги ахборот технологиялари институти потенциални ривожлантириш раҳбари Александер Хорошилов, Cisco Systems, Inc. корпорациясининг Марказий Осиёдаги директори Али Уралкан ва Microsoft корпорацияси Марказий Осиёдаги менежер ҳамкори Олег Шербинин иштирок этдилар.

ЎзААА Бош директори ўринбосари А.Хўжаев анжуманда сўзга чиқиб, қатнашчиларни мамлакатимизга ташрифи билан самимий қутлаб, бу каби йиғинлар барча иштирокчи давлатлар АКТ соҳаси ривожига йўлида муҳим аҳамиятга эгаллиги, соҳада ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ечимини бирлаштириш, ўзаро тажриба ва билимлар алмашиш майдони эканлиги ҳақида гапирди. Шунингдек, ҳукуратимиз томонидан қаратилган катта эътибор туфайли Ўзбекистонда ҳам бу соҳа тез суръ-



атларда ривожланиб бораётгани хусусида тўхтади. Шундан сўнг сўз олган меҳмонлар ҳам АКТ ойлиги доирасида ҳар йили ўтказиш анъанага айланган ушбу халқаро анжуман йилдан-йилга такомиллашиб, нуфузи ошиб бораётганини таъкидладилар.

Авалло айтиш жоизки, анжуман дунёнинг турли давлатлари олим ва муҳандислари, қизиқиши ва муаммолари ҳамоҳанг бўлган мутахассислар бошини қовуштиришни, АКТ тармоқларида ишловчи ва таълим олувчиларга ўз ишлари ва изланишлари натижаларини намойиш этиш имконини беришни мақсад қилиб олган. Бунга эришиляпти ҳам. АICT2010 анжуманида юз нафар мутахассис иштирок этгани, уларнинг ўттиз нафари Озарбайжон, Туркия, Россия, Франция, Словакия, Финляндия, Индонезия, Эрон, Покистон, Ливия ва Жанубий Корея каби давлатлардан ташриф буюрганлиги фикримиз исботидир. Улар томонидан АКТни таълим ва ўқитиш, фан ва тадқиқот, иқтисодиёт ва бошқарув, хавфсизлик, соғлиқни сақлаш тизими, давлат бошқаруви, коммуникация ва алоқа соҳаларида қўлаш мавзулари ўртага ташланди. Интернетга симсиз уланиш ҳамда учинчи ва

тўртинчи авлод уяли технологияларининг кенг диапазондаги техник муаммолари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Жумладан, “Очиқ калитли симметрик криптографик тизим”, “Олий электротехника тизимида ахборот технологияларини қўллаш”, “Ўзбекистон тажрибавий тадқиқотларида интернет ресурслар ривожини”, “Ахборотлаштириш — ахборот жамиятининг феномени сифатида”, “Масофавий таълим”, “Техника университетларида мултимедиа маърузаларининг ўзига хослиги”, “Ўзбекистонда мобил банкингнинг ривожланиш асослари” ва бошқа маърузалар йиғилганлар томонидан катта қизиқиш билан тингланди.

Анжуман, айниқса, ТАТУнинг ёш олимлари учун катта мактаб вазифасини ўтади. Улар ҳам маърузаларда иштирок этиб, ўзлари олиб бораётган илмий ишларини муҳокамага қўйдилар, хорижлик мутахассислардан қимматли маслаҳатлар олишди.

— Ҳар йили куз ойида ўтказилиши анъанага айланган ушбу халқаро анжуман мен каби ёш олимлар, изланувчилар учун катта имкониятлар яратиб бермоқда, — дейди ТАТУнинг 2-босқич аспиранти Акмал Иноғомов. — Чунки анжуманда биз ҳам ўз маърузаларимиз билан иштирок этамиз, олиб бораётган тадқиқотларимизни

кенг омма эътиборига ҳавола қиламиз, АКТ соҳасидаги хориж тажрибаси билан яқиндан танишамиз, фикр алмашамиз. Масалан, мен бу анжуманда “Оптик толали алоқа тизимларининг маълумот ўтказиш тезлигини ошириш” мавзусида чиқиш қилдим. Сабаби илмий ишим оптик толали тизимларни мамлакатимизда ривожлантириш, уларнинг маълумот узатиш тезлигини оширишга йўналтирилган. Бу борада хорижда ҳам, хусусан, Туркия ва Финляндияда изланишлар олиб бориляпти. Ушбу анжуманда ўзим изланиш олиб бораётган йўналишдаги бошқа маърузалар билан яқиндан танишиб, тажриба алмашишни, камчиликларини тўлдиршни мақсад қилиб олганман. Бир сўз билан айтганда, бу йиғилишда бизнинг меҳнатимиз синовдан ўтиб, баҳоланди.

Халқаро анжуман 12 октябр куни ТАТУда ёш ўқитувчилар, аспирант ва талабалар учун Tutorials ўқув курси ташкил этиш билан бошланган эди. Курслар давомида тингловчилар анжуман қатнашчилари — хорижлик олим ва мутахассисларнинг ахборот хавфсизлиги, виртуал тизим, мобил алоқа тизими, таълимда Microsoft ечимлари йўналишларидаги маърузаларидан баҳраманд бўлдилар. Анжуман 14 октябрда яна ТАТУда шўъбаларга бўлинган ҳолда ўз ишини давом эттирди.



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2010 йил 14 апрелдаги алоқа ва ахборотлаштириш тизимида 2010 йилда халқаро, республика илмий-техник анжуманларни ўтказиш режаси тўғрисидаги 154-буйруғига биноан Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти ва Агентликнинг Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими томонидан жорий йилнинг 26-27 октябр кунлари «Дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш индустриясини ривожлантириш вазифалари ва унинг Ўзбекистон Республикаси шароитидаги ечимлари» мавзусида республика илмий-техник анжумани ўтказилади.

Шу муносабат билан республика миқёсидаги илмий-техник анжуманида қатнашишга таклиф этамиз.

Ушбу анжуманнинг ўз вақтида ҳамда самарали ўтказилишини таъминлаш мақсадида, иштирокчилар рўйхати ва маърузалар тезисини 2010 йил 20 октябрга қадар электрон кўринишда (info@сrrnp.uz e-mail манзилига) тақдим этишини сўраймиз.

Мурожаат учун телефонлар/
факс: (+998-71) 277-55-44;
(+998-71) 150-51-41.

MAVZU DOIRASIDA

IEEE ҳақида

IEEE (Электроника ва радиоэлектроника муҳандислари институти) бугун замонавий электротехника ва радиоэлектрониканинг турли тармоқларида фаолият олуб боровчи малакали инсонларни бирлаштирган дунёдаги йирик институт ҳисобланади. Ушбу халқаро институт замонавий фан, техника ва уларнинг ечимлари доирасида доимий фаолият олиб боровчи ижодий гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб туради. Бундан ташқари, институт ўз иш дастурларида ижтимоий масалалар ечимларига ҳам эътибор қаратади.

IEEE Техник жамияти (IEEE Societies) — бу IEEEнинг аъзолари гуруҳлари бўлиб, улар томонидан анжуманлар, профессионал учрашувлар ҳамда кўплаб бошқа махсус тармоқлар, жумладан, аэрокосмик ва электрон тизимлар (AES010), электрон занжирлар ва тизимлар (CAS004), алоқа (COM019), компьютерлар (CO16), маиший электроника (CE008), бошқарув тизими (cs023), диэлектриклар ва электр изоляцияси (dei032), таълим технологиялари (e025), электромагнит мослашув (emc027), электрон ҳаюзлар (ed015), тиббиёт ва биологияда техника (emb018), геофизика ва масофавий зондлаш (grs029), фан ва ишлаб чиқариш (ia034), ахборот назарияси (it012), интеллектуал транспорт тизими (itts038), ядро физикаси ва плазма реакцияси (nps005), океанларни тадқиқ қилиш (oe022), фотоника (p036), энергетика (pe031), ишлаб чиқариш хавфсизлиги (pse043), про-

фессинал мулоқот (ps026), робототехника ва автоматизация (ra024), сигналларни қайта ишлаш (sp001), технологиялар, ижтимоий аспектлар (sit030), тизимлар, инсон ва кибернетика (smc028), ультра-товуш, ферроэлектриклар ва частотали бошқарув (ufc020), транспорт технологиялари (vt006) бўйича йиғилишлар ташкил этилади.

IEEE ва ТАТУ ҳамкорлиги

Тошкент ахборот технологиялари университети IEEE билан 2006 йилдан, университет базасида IEEE и IFIP (The International Federation for Information Processing — Ахборотларни қайта ишлаш бўйича халқаро федерация) раҳбарлигида симсиз, мобил ва оптик толали алоқа соҳасида янги технологиялар бўйича иккинчи халқаро Марказий Осиё анжумани IC1 2006 ўтказилган вақтдан бошлаб ҳамкорликни йўлга қўйган.

IEEE раҳбариятининг ташрифи ва ўзаро муҳокамалар натижасида 2007 йилнинг май ойида IEEE ва ТАТУ ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шартнома ўз олдига томонлар ўртасида алоқалар самарадорлигини ошириш ва кенгайтиришни мақсад қилиб қўйган. Шартнома имзолангандан сўнг ТАТУ қошида IEEEнинг ўзбек олимларининг жаҳон илмий жамиятидаги потенциали ва ролини оширишга қаратилган Ўзбекистондаги Минтақавий секцияси ташкил этилди.

Усмонжон Йўлдошев,
“Xabar” мухбири

Xalqaro hayot



МАКТАБ ДЕВОРИ КУЛАБ ТУШДИ

ChinaDaily газетасининг ёзишича, Хитойнинг Гуйжоу провинциясидаги мактаблардан биридаги спорт залининг девори кулаб тушиши натижасида беш киши ҳалок бўлган, тўққиз нафари эса жароҳатланган. Воқеа Анлун уездидаги қишлоқ мактабида содир бўлган.

Баландлиги тахминан 2,5 метр бўлган гиштли деворнинг кулаб тушишига қурилиш вақтида сифатсиз цемент аралаштирилгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

СОБИК СПИКЕР ЭЪТИРОЗИ

Грузия парламенти собиқ спикери Нино Буржанадзе Грузия ҳукуматини Шимолий Кавказ республикаси аҳолиси учун Россия Федерациясига визасиз кириш ҳақидаги қарорини танқид қилди.

“Виза тартибини бир томонлама бекор қилиш ҳақидаги Грузия президентининг қарори Россия билан келишувсиз амалга ошмайди ва ҳеч қандай инсонпарварлик миссияни бажаришга имкон бермайди”, — дея тарқатган унинг партияси.

Н.Буржанадзе ҳукуматнинг мазкур қарорини «провокация» деб атаган.

ХАРБИЙ АМАЛИЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

Туркия парламенти сешанба кuni Шимолий Ироқдаги трансчегаравий ҳарбий амалиёт ўтказиш мандатини бир йилга узайтирди.

Мамлакат парламенти ҳукуматга 2007 йилдан бошлаб Ироққа қўшни ҳудудда трансчегаравий амалиёт ўтказиш ваколатини бериб келди. Шу йилларда турк армияси БМТ ва ЕИ томонидан террорчи ташкилот сифатида рўйхатга олинган Ироқ Шимолидаги Курдистон ишчи партияси айирмачи жангариларига қарши бир неча бор ҳарбий рейдлар ўтказган.

ЭРОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ КўПАЙМОҚДА

Эронда биринчи ярим йилликда (мамлакатда йил 21 мартдан бошланади) ўтган йилга солиштирилганда, электр энергия ишлаб чиқариш тахминан тўққиз фоиз (143,79 минг гигаваатт/соат)гача ошган. Бу ҳақда Ипа агентлиги хабар тарқатган.

Электр энергияси ишлаб чиқариш умумий ҳажмидан 137,2 минг гигаваатт/соати иссиқлик электр станцияларидан, 6,769 минг гигаваатт/соати эса гидроэлектр станциялардан олинади. Ҳисобот даврида ўтган йили 133,593 минг гигаваатт/соат электр энергия ишлаб чиқарилган эди.

Айни дамда Эрон ГЭСининг қуввати 7,7 минг мегаватт атрофини ташкил қилади. Мамлакатда ўзида 109 энергетик блокни жамлаган 44та ГЭС мавжуд.

ИНДОНЕЗИЯДА ЗИЛЗИЛА

Индонезия шарқда 6,3 Рихтер шкаласига тенг zilzila содир бўлди. Унинг маркази Индонезиянинг Фарбий Папуа провинциясидаги Каймана шаҳридан тахминан 130 километр узоқликда аниқланди. Табиий офат келтирган зарар ҳақида ҳали бирор маълумот йўқ.

БМТ: КЕНГАШГА ЯНГИ АЪЗОЛАР

Германия, Португалия, Ҳиндистон, Колумбия ва Жанубий Африка Республикаси БМТ Хавфсизлик кенгашининг икки йилга доимий бўлмаган аъзоси этиб сайланди.

Кенгаш у ёки бу мамлакатга халқаро санкция қўллаш ва тинчликпарварлик амалиётларини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш ваколатига эга. Буюк Британия, АҚШ, Хитой ва Россия Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоларидир ва уларда вето қўллаш ҳуқуқи мавжуд.

Интернет материаллари асосида
У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

INTERNET

NETCRAFT: ИНТЕРНЕТ ТАҲЛИЛИ

Netcraft таҳлил компанияси интернетдаги сайтлар ва блоглар ҳақида 1 октябргача бўлган ҳисоботини чоп этди. Унга кўра, 2010 йил 1 октябр ҳолатига интернетдаги сайтлар сони 232 839 963тани ташкил этган.

Бозор етакчиси Apache очиқ веб-сервери хизмат кўрсатаётган хостлар сони 5,5 миллионга ошган (1 фоизлик ўсиш) бўлса, аксинча, Google ва Microsoft компанияларида хизмат кўрсатувчи хостлар камайиши кузатирилган — 1,3 миллион ва 400 минг. Бир ойда фойдаланувчилар базасини 1,4 млн. сайтга кенгайтирган Nginx компанияси таҳлилчилар томонидан ижобий баҳоланди.

Аутсайдерлар орасида шу ойда 25 фоиз ёки 500 мингта хизмат лойиҳасини йўқотган Lighttpd очиқ веб-серверини кўрсатиш мумкин.



АНДРОИД УЧУН БРАУЗЕР

Mozilla ҳамжамияти Android амалиёт тизими учун Firefox 4 браузерининг дастлабки бета-шакли чиққанини эълон қилди.

Мутахассислар Firefox, айниқса, Acer Liquid E, HTC Desire, HTC Desire Z, HTC Droid Incredible, HTC EVO 4G, Google Nexus One, Motorola Droid 2, Motorola Droid X, Motorola Milestone/Droid, Samsung Galaxy S, Sony Ericsson Xperia X10 телефонлари ва Dell Streak планшетида яхши ишлаши мумкинлигини айтишган.



BIZNES

БИРГАЛИҚДА APPLIGA ҚАРШИ

The Financial Times газетаси Microsoft ижрочи директори Стивен Балмер Adobe раҳбари Шантану Нарайен билан корпорацияларни бирлаштириш борасида музокара олиб боргани ҳақидаги хабарни тарқатди.

Тахминларга кўра, бирлашишга ундаган ҳолат мобил қурилмалар бозорига етакчиликка даъво қилаётган Applega муносиб рақобат кўрсатишидир. Тасдиқланмаган маълумотларга кўра, Microsoft корпорацияси Adobени сотиб олиш таклифини ҳам киритган.

iPad ЭНГ ТЕЗ СОТИЛАДИГАН МОЛЛАР РЎЙХАТИДА

Apple планшет компютери — iPad маиший электроника соҳаси тарихида телефондан сўнг энг тез сотиладиган моллар қаторидан ўрин олди. Илгари бу рекорд дастлабки йил савдоси 350 мингтани ташкил этган DVD-плеерларга тегишли эди.



Сотувга чиқарилган дастлабки кuni 300 мингта, 28 кунда 1 миллионга, 80 кунда 3 миллионга iPad харид қилинган.

TEKNOLOGIYALAR

ОПТИК ДИСКДА 1 ТЕРАБАЙТ АХБОРОТ

TDK компанияси янги авлод оптик диски прототипини намойиш этди. Унинг анъанавий дисклардан фарқи жуда улкан — 1 терабайтгача ахборотни сиғдиришидир. Диск катта ҳажмли маълумотларни резерв сифатида сақлашда ишлатилиши кўтиляпти.

Диск ҳар бирининг сиғими 32 Гби ташкил этувчи 16 қатламдан иборат. Таққосланса, Blu-Ray дисклар 25 ёки 50 гигабайтлик бўлиб, қатламлари тўрттадан ошмайди.

MOBIL ALOQA

ЭНГ ЙИРИК LTE ТАРМОФИ


2010 йил охиригача АҚШнинг 38та шаҳри ва 60дан ортиқ аэропортида жаҳондаги энг катта қоплаш ҳудудига эга тўртинчи авлод симсиз алоқа тармоғи — LTE ишга тушади. Бу ҳақда Verizon мобил алоқа операторининг амалиётлар бўйича директори Лоуэлл МакАдам маълум қилди.

Мазкур ҳудудда 110 миллион киши, яъни мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми истиқомат қилади. Янги тармоқ хизматларидан Нью-Йорк, Чикаго, Лос-Анжелес, Бостон, Сан-Франциско каби мегаполислар аҳолиси баҳраманд бўлиши мумкин.

QURILMALAR

АҚЛЛИ АВТОМАТ-СОТУВЧИ

Токиодаги Shinagawa йирик темир йўл станциясида дунёдаги биринчи сунъий интеллект ўрнатилган савдо автомати ишга туширилди. Компютер-автомат кишининг ташқи кўринишига қараб сонияларда унинг эркак ёки аёл эканлиги, ёшини аниқлайди ва унга у ёки бу маҳсулотни харид қилиш ҳақида тавсиялар беради.



Автоматда ҳозирча чанқовбосди ичимликлар савдоси йўлга қўйилган.

Ўзбекистон почта маркалари

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Ўтган 18 йил мобайнида 923 турдаги маркалар чоп этилди ва тарқатилди. Бу маркалар нафақат мамлакатимиз почта хизматининг ички эҳтиёжини қондирди, балки дунё филателистларининг ҳам эътиборига тушди, жаҳон маркалари бозорига кириб борди.

Ўзбекистон почта маркалари "MICHEL" (Германия), "YVERT & TELLIER" (Франция), "SCOTT" (АҚШ), "AMIR MAGGI" (Бразилия) ва "DOMFILL" (Испания) каби машҳур халқаро каталоглардан ўрин эгаллаган. Дунёнинг бир қатор мамлакатлари журнал ва газеталарида чоп этилган.

Шунингдек, маркаларимиз мустақиллигимизнинг рамзи сифатида Германия, Исроил, Австрия, Россия, Сингапур, Руминия ва бошқа мамлакатларда ўтказилган жаҳон филателия кўргазмаларига қўйилган. "Ўзбекистон маркаси" филиали хорижлик ҳамкорлар билан ҳам мустақкам алоқага эга. Бунинг натижаси ўлароқ, филателия маҳсулотларини хорижа экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Юртимизда Филателистлар жамияти ҳам фаолият кўрсатади. Почта маркаларини тўплашга қизиқувчи кўплаб юрдошларимиз шу жамиятнинг аъзолари ҳисобланадилар. Аммо филателияга қизиқувчилар орасида ёшлар сони унчалик ҳам кўп эмаслиги бир оз хавотир уйғотади. Почта маркаларини сўндириш ва бошқа шу каби тантанали йиғилишларда иштирок этувчи қизиқувчиларнинг асосий қисми ҳам катта ёшдагилардир. Нима қилмоқ керак? Ахир, почта маркаларига қизиқиш — бу юртимиз тарихи, маданияти, қадриятлари, иқтисодийёти, табиати, ҳайвоноти, спорти, санъатига қизиқиш дегани. Демак, ёшлар орасида почта маркаларига бўлган қизиқишни ошириш учун турли тадбирлар ташкил этилиши лозим. Мазкур ҳафтада айнан тарғибот масаласига қаратилган муҳим тадбир уюштирилди. 2010 йилнинг 7 октябидан 17 октябрга қадар Ўзбекистон алоқа тарихи музейида Бутунжаҳон почта кўни муносабати билан "Ўзбе-



кистон почтаси" ОАЖ томонида Ўзбекистон Республикаси почта маркалари кўргазмаси ташкил этилди.

Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари, мактаб ва лицей ўқувчилари ҳамда талабаларга юртимизда 18 йил давомида чиқарилган 923 турдаги почта маркаларининг тўлиқ коллекцияси билан танишиш имконияти тақдим этилди.

Ноҳирабегим расми муҳрланган биринчи маркадан тортиб, ўтган ҳафтада — 9 октябр кўни муомаллага чиқарилган "Тошкент ҳайвонот боғи. Аквариум балиқлари" туркумидаги маркаларга ҳам кўргазмага қўйилган. Ҳар бир марканинг тарихи, дизайни, қадр-қиммати бир олам.

Маркалар орасида бошқа давлатлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилганлари ҳам бор. 1996 йили Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркманистон билан ҳамкорликда "Save the Aral Sea" ("Оролни қутқариш") номли почта блоқи чиқарилган.

Филателистларимизни мустақиллигимизнинг 10 ва 15 йиллигига бағишлаб чиқарилган почта маркалари кўпроқ қизиқтиради, — дейди биз билан суҳбатда «Ўзбекистон маркаси» филиали директори Тамара Бажанова. — Хорижликларни эса тарихий шаҳарларимизнинг юбилей саналарига, жумладан, Самарқанднинг 2750, Тошкент

шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган маркаларимиз, "Олтин мерос" туркумидаги халқ амалий санъатини ўзида жамлаган маркалар эътиборини тортади.

2010 йилда бир қатор қизиқарли маркалар чоп этилди. Улардан бири юртимиз худудлари бўйича янги туркумининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилганлигидир. Шу йилнинг 29 март кўни муомаллага чиқарилган илк туркумда Қашқадарё вилояти акс эттирилди. Йил охирига қадар мазкур туркум доирасида Андижон вилоятига бағишланган маркалар чиқарилиши режалаштириляпти.


Эътиборга молик марка туркумлари қаторида Осиё тараққиёт банкнинг 43-мажлиси муносабати билан муомаллага чиқарилган 38 маркани кўрсатиб ўтиш мумкин. Оралиқ купонда махсус логотип ва унинг атрофида иқтисодийетимизнинг турли соҳалари, Осиё тараққиёт банки томонидан сармоя киритилган лойиҳалар, эътиборга молик биноларимиз, миллий қадриятларимизга оид лавҳалар ўрин олган.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 65 йиллиги юртимизда кенг нишонланди. Ушбу тарихий воқеа маркаларимизда ҳам ўз аксини топган. Ғалабанинг 65 йиллиги муносабати билан чиқарилган марка тўпламида ўзбекистонлик биринчи уруш қаҳрамони — Кўчқор Турлиевнинг тарихий расми ҳам ифодаланган.

Баркамол авлод тарбиясига, спортга алоҳида эътибор боис юртимиздан кўплаб жаҳон чемпионлари етишиб чиқмоқда. Жаҳонда ўз ўрни ва нуфузига эга спортимиз, спортчиларимиз ҳаётини сўзловчи маркаларимиз сони 80дан ошади.

Юқориди таъкидланганидек, ҳар бир почта маркасининг ўзи бир олам. Эзгуликдан, қадриятларимиз, ютуқ ва имкониятларимиздан сўзлайди улар. Ташкил этилган кўргазма шу жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир.


Лутфилло ТУРСУНОВ



SO'ROVNOМА

Хитой ва араблар тармоқда етакчи

TNS глобал тадқиқотлар компанияси ўтказган сўровномаларга кўра, Хитой ва Яқин Шарқ мамлакатлари аҳолиси интернетдаги фаоллик бўйича ривожланган давлатлар аҳолисини ортада қолдирган. Сўровномада 46 мамлакатдан 50 минг интернет фойдаланувчиси иштирок этган.



Рейтингда Миср, Саудия Арабистони ва ХХР аҳолиси етакчилик қилишган — бу мамлакатларда яшовчиларнинг 55 фоизи компютердан бир қадам ҳам жилмайди. Европа давлатларидан бирортаси ҳам рейтингнинг ўнталигидан ҳой олмаган. Тадқиқот бўйича, Хитойда фойдаланувчиларнинг бешдан тўрт қисми (88 фоизи), Бразилияда эса тенг ярми (51 фоизи) шахсий блог ёки форумларга кирди. АҚШда бу кўрсаткич 32 фоиз ҳолос.

Ривожланаётган мамлакатлар аҳолиси интернетда асосан дўстлари билан мулоқот қилишади. Жанубий Америка, Яқин Шарқ ва Хитойда тармоқ фойдаланувчилари ҳафтасига 5,2 соат вақтини ижтимоий сайтларда ўтказишади, электрон почтага 4 соат сарфлашади. Ривожланган давлатларда эса бунинг акси — асосий диққат-эътибор электрон почта орқали мулоқот қилишга қаратилади. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, малайзияликлар

ижтимоий тармоқларга жуда ихлосманд экан — улар ўртача 233 нафардан дўстага эга. Улардан сўнг 231 киши билан дўстлаша олган бразилияликлар турибди. Тармоқда энг кам дўст орттирган японлардир — ўртача 29 киши.

Хитойликлар интернетда нафақат ўзаро фаол мулоқот қилишади, балки вақтларининг кўп қисмини ижтимоий сайтлардаги рекламаларни кўздан кечириш ҳамда реклама берувчилар билан алоқа ўрнатишга сарфлашади. Мижозларнинг бу ҳаракати ривожланган давлатларда интернет-реклама бозорининг тараққиётига сабаб бўляпти.

У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

«Кореан эйр» об успехах СИЭЗ «Навои»

В связи с тем, что авиакомпания «Кореан Эйр» обладает многолетним опытом в сфере международных авиаперевозок и «ноу-хау» в данной области, ей была предоставлена возможность участия в проекте СИЭЗ «Навои».



Учитывая особое место «Кореан Эйр» в реализации инвестиционных проектов президент авиакомпании Чи Чанг-Хун в ходе беседы с корреспондентом ИА «Жахон» отметил, что выгодное геополитическое положение экономической зоны, расположенной в центре древнего Шелкового пути, является важным преимуществом, которое позволяет Узбекистану выполнять важную функцию связующего звена между странами Азии и Европы в сфере логистики.

— Правительство республики создало крупномасштабную Свободную индустриально-экономическую зону «Навои» в центральной части республики и в настоящее время активно привлекает иностранные инвестиции. Твердое намерение узбекского правительства осуществить экономическое развитие с широким привлечением инвестиций и передовых технологий компании «Кореан Эйр» непременно способствует развитию аэропорта Навои до уровня крупнейшего в Центральной Азии международного логистического центра.

Компания «Кореан Эйр» за прошедший период времени создала всю необходимую для развития инфраструктуру, включающую грузовую терминал, ангары, помеще-

ния для хранения топлива и другие.

В августе текущего года состоялось открытие нового грузового терминала, который, тем самым оказался крупнейшим в регионе, оборудованного современной техникой, вместимостью до 100 тыс. тонн грузов в год.

Для более эффективной деятельности, компания параллельно проводит учебные стажировки для сотрудников аэропорта и предпринимает меры по оптимизации рабочего процесса. Мы также работаем в области расширения сети авиационных сообщений с другими государствами, в настоящее время аэропорт г. Навои осуществляет 12 рейсов самолетов «В-747» в неделю и 11 рейсов «А-300», арендуемых компанией «Кореан Эйр» у узбекских авиалиний. Эти показатели свидетельствуют о развитии навоийского аэропорта до уровня международного логистического центра. Конечной целью компании является развитие данного аэропорта до уровня логистического хаба Центральной Азии.

Для расширения сети авиационных маршрутов мы в течение года начнем работу по новым направлениям, самолеты «А-300» будут осуществлять рейсы

до Стамбула, Дубай, Алматы. Далее планируем сотрудничество с зарубежными авиакомпаниями.

Компания «Кореан Эйр» будет прилагать все усилия для дальнейшего расширения авиационных и сухопутных сообщений на основе имеющейся логистической базы аэропорта, укрепления центрально-азиатского рынка грузоперевозок и активизации деятельности аэропорта г. Навои.

Вместе с тем, Навои, расположенный недалеко от мировых исторических городов — Самарканда и Бухары, обладает оптимальными условиями для привлечения туристов. Думаю, что строительство гостиниц и создание необходимой инфраструктуры сделает возможным развитие этого города в качестве одного из туристических центров Центральной Азии.

В заключение, Чи Чанг-Хун отметил, что в течение последних 6 лет авиакомпания «Кореан Эйр», которая входит в «Ханджин-групп» — универсальная логистическая компания, осуществляющая воздушные, сухопутные и морские перевозки по всему миру, занимает первое место в данной области.

ИА «Жахон»

ОН-ЛАЙН ВСТРЕЧА С МИНИСТРОМ

12 октября 2010 года с 16:00 до 17:00 на форуме Министерства народного образования состоялась онлайн встреча с министром народного образования Республики Узбекистан Авазом Рахимовичем Марахматовым.

Вопросы министру смогли задать все желающие, зарегистрированные на форуме, указавшие фамилию, имя и отчество, а также заполнившие стандартную анкету. Вопросы также можно было отправлять по электронной почте на адрес: muloqot@inbox.uz

По информации сотрудников министерства, инициатива проведения он-лайн встречи исходила от самого министра, и есть все основания полагать, что подобные встречи он-лайн с руководством МНО станут регулярными.

infocom.uz

Я родилась в маленьком городке под названием Бука. Как и все дети, ходила в детский сад, училась в школе №2. Как и любой ребенок в детстве любила кататься на каруселях..., но из своего детства помню только заброшенный парк «Минг чинор» («Тысяча чинаров»), который, в одно время восстановили и запустили, но не надолго...

Имея в Ташкенте родственников, родители в детстве часто возили с собой в гости, особенно по семейным праздникам таким, как свадьба. Так же ездили в столицу посетить зоопарк, отдохнуть в парке отдыха.

Когда вы собираетесь на праздник, вы одеваете все самое нарядное или любимое из своего гардероба. Так и со мной. Мама одевала меня в мои самые нарядные и любимые платья. И обязательно давала что-нибудь новое, пусть даже самую мелочь как носовой платочек, но новое. Ведь, не даром у узбекского народа существует такая традиция как в день праздника (семейного, религиозного или государственного) или другое знаменательное событие человек старается одеть что-нибудь новое. Ведь вся новая одежда несет в себе чистую, позитивную информацию. И, наверное, по этому, столица нашей родины Ташкент для меня ассоциируется с ПРАЗДНИКОМ. Конечно, кто-нибудь может возразить, сказав: «В детстве все кажется тебе прекрасным, безмятежным...», но даже в юности, когда я училась в старших классах, поездка в Ташкент имела для меня значимость праздника.

Обучаясь в Ташкенте, сначала в Ташкентском профессиональном колледже информационных технологий, а в данный момент являюсь студент-

«Взгляд со стороны...»



кой Ташкентского университета информационных технологий, я живу в Ташкенте почти 7 лет, за которые у меня появилась возможность взглянуть на Ташкент «со всех сторон».

После нескольких происшествий за 1-ый год обучения в колледже, жители Ташкента мне показались «жетоками». С одной стороны — я получила урок, с другой стороны — все в природе существует в равновесии: день заменяет ночь, в противовес зиме есть лето и т.п., а значит и «мяг-

кость» горожан в отношении ко мне еще проявится. Так оно и произошло. Со временем я поняла, что не только то, что люди бывают разные, но и у каждого человека есть свой «внутренний мир» и своего рода «перепады» настроения.

Но я хочу сказать совсем о другом. О том, что многие жители нашей столицы совсем не осознают, что находятся в центре самых интереснейших событий, могут в любой момент насладиться отдыхом в парке, обучаться в различных кружках, заниматься спортом в спортивных секциях, иметь возможность ходить в театр, посещать различные выставки и другие интересные мероприятия, и самое главное имеют такую честь, как являться горожанами Ташкента. Они живут, как человек живет в своем родном городе, в котором он родился и вырос, привычки к тому, что имеется в его городе, т.е. осознает все окружающее его так как должное. И правильно делают, если пользуются всеми возможностями, которые им представляет столица (в отличие от многих других городов нашей родины).

Но, используя, возможности разглядеть столицу со всех сторон, я сделала открытие. А именно, во-первых: что это за город, если прогуливаясь по аллеям присесть где-то! Может быть новые скамейки «не живучи». Но выход из любой ситуации всегда можно найти. Во-вторых: разезжая по городу по своим делам, я пользуюсь городским транспортом. И у меня возник вопрос: почему на многих ав-

тобусных остановках нет скамеек, а если и есть, то обязательно под палящим солнцем (т.е. именно на остановке где хотя бы не растет дерево) останочный комплекс выполнен из скамейки с просвечивающим навесом, причем навес выполнен так, что во время дождя с него каким-то образом в определенных местах просачивается дождевая вода.

Но, с другой стороны, почему горожане не ценят нашу столицу как свой родной Дом, в котором они живут. Ведь человек не бросает дома на пол какой-либо мусор, а находит для этого более приемлемое место. Почему мусор лежит вокруг, а не внутри урны. Хотя и бывает так, что когда хочешь бросить мусор в урну и урну не всегда найдешь. Почему в самосознании большинства горожан столицы (и граждан всей страны) нет желания содержать (не только столицу) свой город в чистоте. Какой пример показывается подрастающему поколению.

Хочу закончить свою статью словами, которые произнесла моя сокурсница, прозвучавшие после цитирования, другой сокурсницей, слов хокима города Ташкент примерно так: «Давайте почистим наш город», она сказала: «Да, давайте поможем нашему городу стать чище — давайте просто вместе НЕ СОРИТЬ и содержать его в ЧИСТОТЕ!»

Эльвира ХАЙРОВА,
студенка ТУИТ,
факультета ИТ, 3-го курса

Хабар +tv

ДУШАНБА — 18 ОКТЯБР

ТОШКЕНТ

5.55 Куратгувар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Иқлим".
7.05 "Икки тақдир". Т/с.
7.30 "Тоғли навадир".
8.00 "Тасдиқнома".
8.45 - 9.45 "Маънавият" дастури.
"Бошлар сайраси".
9.45 "Вақтин кутубона".
10.05 "Пороро" М/ф.
10.30 "Иқлим".
10.55 "Сизнинг адвокатингиз".
11.00 "Ахборот".
11.15 "Ватанпарвар".
11.55 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.55 "Иқор".
13.00 Миллий кино: "Талатгалик алави".
13.25 "Оғин".
"Бошлар сайраси".
13.35 "Зумрача". Т/с.
14.00 "Ахборот".
14.20 "Ватан манзиллари".
14.45 "Кучлиларнинг бирма".
14.55 "Одам ва одам" дастури. "Тирик санъат".
15.55 Жаҳон музикаси хазинаси.
Ф. Йилт.
16.40 "Икки дарё оралиғида".
17.00 "Ахборот".
17.15 2010 йил - Барқамол алоқ дони. "Истиқлол фарзандлари".
"Бошлар сайраси".
17.35 "Эртаслар - яхшиликка етади".
17.55 "Сизнинг адвокатингиз".
18.00 "Иқлим".
18.05 "Оғтин мерос".
18.15 Миллий сериал: "Ҳаёт синхоналари".
18.55 "Менинг одам".
19.20 "ТВ - шифокор".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот". /рус/.
20.10 Миллий сериал: "Умр манзиллари".
20.45 "Вақтиннинг қуйлайми".
21.00 "Ахборот".
21.55 21 40 2010 йил - Барқамол алоқ дони. "Мен ёшларим".
21.55 "Қирол ва мен". Т/с.
22.35 "Иқлим".
22.40 "Фанни ва Александр". Б/ф.
23.45 "23.55 "Оғин".
23.55 Куратгувар дастури.
00.00 "Истиқлол фарзандлари".
00.20 "Иқлим".
00.25 "Ватан манзиллари".
00.50 "Юртим бўлидо" дастури: "Тулдар жойбаси".
1.00 "Ахборот". /рус/.
1.35 - 2.35 "Маънавият" дастури.
2.35 "Менинг одам".
3.00 "Оғтин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!"
4.00 "Ахборот".
4.45 Миллий сериал: "Ҳаёт синхоналари".
5.10 "Мен ёшларим".
5.25 "Икки дарё оралиғида".
5.45 - 5.55 "Оғин".



6.00 "Салом, ёшлар"
6.40 "Хикоя".
6.50 "Мультианорамма".
8.00 "Ёшлик навоилари".
8.20 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган соғин".
8.55 "Телуфиди".
9.00 "Инсон психологияси".
9.30 "Афросиё афросиёни".
9.50 "Оғтин кузи".
10.00 "Дарв ҳафта ичида".
10.30 "Ўр" ни овуқилари".
11.20 "Самарқанд жаҳондари".
11.50 "Ёшлик навоилари".
12.10 "Қумчи". Т/с.
13.00 "Дарв".
13.10 "Мультианорамма".
13.40 "Дарвиннинг боласи".

14.00 "Император аба". Т/с.
14.50 "Афсона ва ҳақиқат".
15.30 "Қуёв ва боқий".
16.00 "Дарв".
16.10 "Салом, ёшлар".
16.50 "Миллий мультифилм".
17.00 "33 бахтисизлик". Б/ф.
18.30 "Ёшлик навоилари".
18.40 "12 ЭКХ".
19.00 "Дарв".
19.30 "Қумчи". Т/с.
20.20 "Шарқ гавдари".
21.10 "Император аба". Т/с.
22.00 "Дарв".
22.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган соғин".
23.10 "Ёшлик навоилари".
23.30 "Емгир симфонияси". Т/с.
00.00 "Галактика".
00.50 "Тунги парвоз".
2.00 "Дарв".
2.30 "Афсона". Б/ф.
4.40 "Иқбол маънавияти".
5.20 "Емгир симфонияси". Т/с.
5.55-6.00 "Мадҳия".

ТОШКЕНТ

7.25 Куратгувар тарғибини.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.20 Тошкент тароналари.
8.35 "Карвонсарай".
8.45 Мулосерал: "Винни Пух".
8.55 "Ёғиз қуш". Т/с 12 қисм.
9.20 "Ёқимтой шаҳзода". Б/ф.
10.30 "Саргушайтар ороли".
11.10 2010 йил - Барқамол алоқ дони: "Эртасиз эгалари".
11.30 "Ситқон оғи". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
13.50 "Нима унинг" гурӯҳи тақдир алави: "Шунақа гаплар".
14.05 "Дуё" телестури.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Ёғиз қуш". Т/с 13 қисм.
15.40 "Карвонсарай".
15.50 "Маймобой". М/ф. 1 қисм.
16.40 "Қуёв қоманданнинг суз ости саргушайтар". Х/ф. 5 қисм.
17.05 "Менинг шарқим".
17.25 Миллий сериал: "Чемпионлик оғрини". 4 қисм.
18.00 "Пойтахт".
18.20 "Тошкентнинг илм мақсалаари".
18.55 "Қўнғил ритмаси". Т/с 84 қисм.
19.30 Тошкент тароналари.
19.45 "Телукурер-маркет".
20.00 "Пойтахт".
20.20 Бизнес: "Пойтахт".
20.30 "Уларим".
20.35 "Инсон матонати". Т/с
21.15 Тошкент тароналари.
21.30 "Телукурер-маркет".
21.40 "Интервю".
21.55 "Ҳаёт фалсафаси".
22.15 "Эко-Пойтахт". /рус/.
22.30 "Пойтахт". /рус/.
22.50 "Кино SMS со звездами".
22.55 "Иллозионист". Х/ф.
00.45 Куратгувар тарғибини.
00.50 Ночной сеанс: "На грань". Х/ф.

SPORT

6.00 "Хайрли тонг".
6.10 "Саломат бўйин".
6.30 Хабарлар.
7.05 "Тренеримизаме".
7.25 Болалар майдончаси:
Тоғли гимнастика.
"Спортландия". Мультифилм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.35 Футбол. Ўзбекистон чемпиналари. "Авешкан" - "Пахтакор".
10.20 "Спортларчил оиласи".
10.50 "Ринг қироллари".
11.45 Енгил атлетика. Маррафон.
Жаҳон чемпиналари.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

13.05 Болалар майдончаси:
"Спортландия". Мультифилм.
13.35 "Спорт - менинг ҳаётим".
14.05 "Чим устала хоккей. ЕХЛ".
Биринчи босқич.
15.10 Теннис.
16.15 Футбол. Испания чемпиналари.
18.00 Болалар майдончаси:
"Спортландия". Мультифилм.
18.30 "Барқамол алоқ".
18.45 ХАБАРЛАР.
19.05 Баскетбол. Халқаро учрашув.
"Кливленд" - ЦСКА.
20.35 Саломатлик хазинаси.
20.40 "Футбол шарфи".
21.45 ХАБАРЛАР.
22.00 Саломатлик хазинаси.
22.05 Интерфутбол.
23.45 Сешаб дастури анониси.
23.55 Теннис.
1.00 Тунги Хабарлар.
2.05 Интерфутбол.
3.00 Тунги Хабарлар.
3.10 Стол тенниси.

1 БИРИНЧИ

06.00, 08.05 Телекани "Доброое утро"
08.00, 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.30 "Жить здорово!"
10.25 "Контрольная закупка"
11.20 "Модный приговор"
12.20 "Детский мир"
13.00 Друзие новости
13.25 "Понять. Простить".
14.25 "Хочу знать".
14.45 Т/с "Обручальное кольцо"
15.50 "Федеральный судья"
16.10 Вечерние новости
17.20 "Суд".
18.00 "Давай поженимся!"
18.55 "Живи меня".
20.00 "Время".
20.30 "Побег".
21.30 Спецрасследование: "Воинские преступления"
22.30 Ночные новости
23.25 "Обмань меня". Новые серии
23.50 Т/с "Трон для рускаго"

РОССИЯ 1

04.00 "Утро России".
08.05 "Леонид Быков. На последнем дыхании".
09.00 "О самом главном". Ток-шоу.
10.00, 13.00, 15.00, 19.00 Вести.
10.30, 13.30, 15.30, 19.30 Местное время. Вести.
10.50 Т/с "Маршрут милиционера".
11.50 "Настоящая жизнь".
12.45 Вести. Декларация часть.
13.50 "Дворик". Т/с.
14.25 "Кулагин и партнеры".
15.50 "Слово женщине". Т/с.
16.55 "Евросын". Т/с.
17.55 Премьера. "Институт благородных девиц". Т/с.
19.50 "Спокойной ночи, малыши".
20.00 Т/с "Сонька. Продолжение жизни".
22.45 Премьера. "Торжок".
23.45 "Вести+".

НТВ

06.30 "Кulinиарный послоник" с Мишаком Перечмаиным.
07.30, 08.20 13.30 16.30 Чрезвычайное происшествие.
08.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.15 Сегодня.
08.55 "До суда".
10.00 Суа приключения.
11.30 Т/с "Закон и порядок".
14.30 Т/с "Возвращение Мухомора".
17.20 Т/с "Элида робитал фоняри".
18.30 "Тузлар, Возвращение".
21.35 Честный понделник.
22.25 "Школа злодеяния".
23.15 Профессия - репортёр.
23.50 Боевик. "Под прикрытием"

РОССИЯ R

09.00, 14.30, 18.30, 22.30 Новости культуры
09.20 "Кто там...".
09.55 "9 дней одного года". Х/ф.
11.45 "Ка. Эм.". Док.ф.
12.40 "Музей Орс. Дета - певец нового Париза".
13.05 "Ваша дочь Александра".
Телекани "Бибигои" представлят:
14.40 М/с.
14.50 М/ф.
15.05 Принцесса из Манчжурита. Т/с.
15.30 "Дневник большой кошки". Док.с.
16.05 С потюлка. Егим Колелвин.
Программа Олега Басиданивили.
17.00 "Юани Дамаскин".
17.35 Ступени цивилизации.
"Великие строения древности". Док.с.
18.45 Главная роль.
19.05 "Сати. Нескучная классика...".
19.45 Острова. Юрий Вискор.
20.25 Академия. Симон Шюль. "У истоков молекулярной биологии".
21.10 "Иосиф Бродский. Возвращение". Док.с.
21.40 "Тем временем".
22.50 Искатели. "Золото древней богини".
23.33 Документальная камера.
"Изыскатель. парадокс актера".
00.20 "Не только любовь".

СТС

05.00, 12.30 М/с.
06.30, 12.00, 14.30, 16.30, 18.00 "Планины любви".
07.30, 11.30, 19.30 "Воронины".
08.00, 08.30, 11.00, 19.00, 22.45, 23.00 "6 кадров".
09.00 Х/ф "Царь скорпионов. Восхождение воина".
15.30 "Гамма".
17.30 "Даша молодоежи".
18.30 "Как я встретил вашу маму".
20.10 "Маргоша".
20.30 "Х/ф "Вася".
23.30 "Кино в деталях"

ТВ3

06.00 Док.ф. "Мир в разрезе".
06.30 "Как это сделано".
07.00 Док.ф. "Современные чудеса".
08.00 Док.ф. "По маршруту самолета-шипора".
09.00 Т/с "Ангел 13".
10.00 Фильм "Космический охотник: приключение в запретной зоне".
12.00 Док.ф. "Особо опасные профессии".
13.00 Док.ф. "Неанатерпалды".
14.00 "Разрушители мифов".
15.00 "Как это сделано". 36 часть.
16.00 Док.ф. "За пределами науки".
16.00 Док.ф. "Война излов. Комплкаса".
17.00 Т/с "Ангел 13".
18.00 Т/с "Касп 1".
19.00 Т/с "Декларация ангел".
20.00 Док.ф. "Загадки истории: прямоугольный дьявол".
21.40 Фильм "Ледяные пауки".
22.45 Док.ф. "Охотники на монстров".
23.45 Т/с "За гранью возможного".

ТНТ

06.00 "Настоящие монстры".
06.30 "Ковчег Клея".
08.30, 16.30 "Универ".
08.30, 09.00, 17.00, 17.30 "Счастливы вместе".
09.30 "Котопес".
10.30 "Утка Боб Квадратные штаны".
12.00 М/с.
12.30 "Гуманисты в Корольеве".
"Боскобочная история любви".
13.00 "Противник". Док.ф.
14.00 "Эквипирован Боевик".
16.10, 18.30 "Интер-".
18.00 "Гитлер казнен".
21.00 Док.ф.
22.30 "Секс" с Андриша Чеховия

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатқувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Иқлим".
7.10 "Икки тақдир", Т/с.
7.50 "Топти қавола".
8.00 "Абзорот".
8.40 - 9.25 "Милынинг" дастури.
9.25 "Болалар дунёси".
9.55 Синдром вилоти телерадиомат-
насинин миллионли тлади.
10.15 "Қирол ва мен", Т/с.
10.55 "Сизнинг адвокатиңиз".
11.00 "Абзорот".
11.15 Миллий сериал: "Хайт
синочлари".
11.50 "Абзорот", (инглиз),
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
12.50 "Изор".
12.55 "Иқлим".
13.00 Миллий сериал: "Умр
мангаралари".
"Болалар сайераси".
13.35 "Эмранга", Т/с.
14.00 "Абзорот".
14.20 "Ойдин хайт", Ток-шоу.
15.05 "Олам ва одам" дастури, Тирки
сайера.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Мен ешмакман".
16.25 "Худудлар хайт".
16.40 "Икки даре оралинди".
17.00 "Абзорот".
17.15 "Хайт ва қорун".
"Болалар сайераси".
17.35 "Эртаксар - эшилмак етаксар".
17.55 "Оттин мерос".
18.05 "Иқлим".
18.10 Миллий сериал: "Хайт
синочлари".
18.50 "Навоийин англаш".
19.10 "Кун маврус".
19.20 ТВ - шифокор.
19.25.20.00, 20.55 Эъланлар.
19.30 "Абзорот", рус.
20.10 Миллий сериал: "Умр
мангаралари".
20.45 "Давонийин куйбаған".
21.00 "Абзорот".
21.35 "Истиклол қайтарган номлар".
21.40 "Оамалардин бири".
22.00 "Қирол ва мен", Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Фанни ва Александр", Б/ф.
23.50 - 00.00 "Оғун".
00.00 Кўрсатқувлар дастури.
00.05 "Ойдин хайт", Ток-шоу.
00.20 "Ортинга бўйлаб" дастури: "Куз".
1.00 "Абзорот", рус./с.
1.35 - 2.35 "Милынинг" дастури.
2.35 "Иқлим".
2.40 "Навоийин англаш".
3.00 "Оттин мерос".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон"
4.00 "Абзорот".
4.35 Миллий сериал: "Хайт синочлари".
5.10 "Иқлим".
5.15 "Кунларнинг бириди".
5.25 "Икки даре оралинди".
5.45 - 5.55 "Оғун".



6.00 "Салом, ёшлар".
6.40 "Хайка".
6.50 "Мультиплатнорам".
8.00 "Ёшлик наволари".
8.20 Миллий сериал: "Узи уйланмаган
саяси".
8.35 "Телувади".
9.00 "Иносин психологияси".
9.30 "Соғлик - бойлик".
9.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Омиздор", Б/ф.
11.30 "Баркамоллик йўлидан".
11.50 "Ёшлик наволари".
12.10 "Кўмул", Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Мультиплатнорам".
13.40 "Китоб-орфо".
14.10 "Император аёл", Т/с.
14.50 "Арқона ва ҳақорат".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Салом, ёшлар".
16.50 "Миллий мултыфильми".
17.00 "Секунд қорак сирги", Б/ф.
18.30 "Ёшлик наволари".
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".

19.30 "Кўмул", Т/с.
20.20 "Ёшлик наволари".
20.40 "Икки Сано", Х/ф.
21.10 "Император аёл", Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 Миллий сериал: "Узи
уйланмаган саяси".
23.10 "Ёшлик наволари".
23.30 "Эмир симфонияси", Т/с.
00.00 "Талхатна".
00.50 "Тўғи парик".
1.20 "Салом, ёшлар".
2.00 "Давр".
2.30 "Эмиллар мавсуми", Б/ф.
4.40 "Икки мистки".
5.20 "Эмил симфонияси", Т/с.
5.55-6.00 "Милыни".

ТОШКЕНТ

7.25 Кўрсатқувлар тартиби.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.20 Тошкент пароналари.
8.35 "Карвонсарой".
8.45 Мультифильми: "Витви Пух".
8.55 "Ёлтиз қуш", Т/с 13 қисм.
9.15 "Интервью".
9.25 "Изор".
9.30 "Поитак".
9.40 Бизнес: "Поитак".
9.45 Миллий сериал: "Чемпионлик
озуви", 4 қисм.
10.15 "Дўрмон".
10.30 "Поитак", /рус/.
10.40 "Таинственний остров", Т/с.
11.05 Эко-"Поитак", /рус/.
11.15 "Хайт фольклор".
11.35 "Ҳайри бол", Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
13.50 "Тв-мондо".
14.05 "Дунё" телестури.
15.00 "Поитак".
15.10 Бизнес: "Поитак".
15.15 "Ёлтиз қуш", Т/с 14 қисм.
15.40 "Карвонсарой".
15.50 "Маймункор", М/ф 2 қисм.
16.35 "Қусто қондиқилнинг сув ости
сарфашлари", Х/ф 6 қисм.
17.00 "Болакка қайт".
17.25 Миллий сериал: "Чемпионлик
озуви", 5 қисм.
18.10 "Поитак".
18.20 "Хўмбо".
18.35 "Кўнгли риптаси", Т/с 85 қисм.
19.30 Тошкент пароналари.
19.45 "Телекурьер-маркет".
20.00 "Поитак".
20.20 Эко-"Поитак".
20.30 "Уялар".
20.35 "Иносин матонат", Т/с.
21.05 Бизнес: "Поитак".
21.15 Тошкент пароналари.
21.30 "Телекурьер-маркет".
21.40 "Интервью".
21.55 "Иборат".
22.15 "Репортаж", /рус/.
22.20 "Поитак", /рус/.
22.50 "Кино SMS оқишлари".
23.35 "На саяси", Х/ф.
03.00-05.00 "РЕСТЛЕР" Х/ф.

Жума

07.00, 09.00, 10.30, 13.10
17.10, 18.00, 19.30, 02.15 Узбек наволлари
08.10 Т/с. "Брос Ли ҳақида афсо-
на"
11.30 "Киракаш" бадий фильм
14.20 Prime time (рус)
14.40 Т/с. "Муҳаббат асираси"
15.30 Мультифилм
17.30 "Премьера"
18.40 Серил "МУҲАББАТ АСИРА-
СИ"
20.00 "Bollywood Markazida"
21.10 Т/с. "БРОС ЛИ ҲАҚИДА АФ-
СОНА"
22.00 "SEN VA MEN" Ҳинд бадий
фильми
01.00 Миксер
01.30 Т/с. "ЛЕГЕНДА ОБ ИСКА-
ТЕЛЕ"
03.00-05.00 "БРОСКО КОБРЫ" Х/ф.

Шанба

07.00, 07.40, 10.30, 14.30
17.00, 18.10, 19.35, 02.15 Узбек на-
воллари
07.30 Prime time (рус)
09.00 Мультифилм
11.30 "Sen va men" Ҳинд бадий
фильми
15.00 "ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ"
Х/ф.
18.00 Prime time (рус)
19.00 "Топ-10"
21.30 "Премьера"
22.00 "БРОС ЛИ. ЧЕЛОВЕК
ЛЕГЕНДА" Х/ф.
23.50 - 01.30 "Другая музыка"
01.30 Т/с. "ЛЕГЕНДА ОБ ИС-
КАТЕЛЕ"
03.00-05.00 "СУРРОГАТЫ" Х/ф.

Якшанба

07.00, 11.00, 13.20, 17.10
18.10, 21.00, 02.15 Узбек наволлари
09.00 Мультифилм
10.30 "Baby Terra Landiya"
11.30 "Брос Ли. Человек леген-
ды" Х/ф.
15.00 "ИНДИАНА ДЖОНС. В
ПОИСКАХ КОВЧЕГА" Х/ф.
17.30 M-File
18.00 Prime time (рус)
20.30 "Кинокурьер"
21.30 "Премьера"
22.00 "ЗНАМЕНИЕ" Х/ф.
00.20 Миксер
01.30 Т/с. "ЛЕГЕНДА ОБ ИС-
КАТЕЛЕ"
03.00-05.00 "СКАЛОЛАЗ" Х/ф.

РОССИЯ 2

Душанба

06.00 "Все включено"
10.00, 13.10, 18.10, 23.15, 02.00 Вести-спорт
10.10 Вести-спорт.
Местное время
10.15 "Футбол Ее Величества"
11.05 Футбол. Премьер-лига.
"Терек" - ЦСКА
13.0, 18.00, 23.00 Вести.ги
13.25, 20.05 "Основной состав"
14.00 18.30 Теннис. Междуна-
родный турнир "Кубок Кремля-
2010"
20.40 Хоккей. КХЛ "Спартак" -
"Динамо"
23.30 Неделя спорта
00.25 Top Gear
01.30 "Атом. Внутри реактора"
02.10 "Моя планета"
04.00 Неделя спорта
04.55 Top Gear

Сешанба

06.00 "Все включено"
10.00, 13.10, 18.10, 23.15, 01.25 Вести-спорт
10.15 "Атом. Внутри реактора"
10.45 Рыбалка с Радзиевским
11.00 Неделя спорта
11.55 Top Gear
13.00, 18.00, 23.00 Вести.ги
13.25 "Технология спорта"
14.00, 18.30 Теннис. Междуна-
родный турнир "Кубок Кремля-
2010"
19.55 Хоккей. КХЛ. "Ак Барс" -
"Нефтехимик"
22.15 "Футбол Ее Величества"
23.30 Футбол России

00.20 Top Gear
01.35 "Моя планета"

Чоршанба

Профилактика до 11.00
11.00 Футбол России
11.50 Top Gear
13.00, 18.00, 23.00 Вести.ги
13.10, 18.10, 23.15, 01.10 Вести-спорт
13.25 "Начать сначала"
14.00, 18.30 Теннис. Междуна-
родный турнир "Кубок Крем-
ля-2010"
19.55 Хоккей. КХЛ. СКА -
ЦСКА
22.15 Футбол России
23.30, 04.25 Хоккей России
00.05 Top Gear
01.20 "Моя планета"
04.55 Top Gear

Пайшанба

06.00 "Все включено"
10.00, 13.10, 18.10, 23.15, 01.05 Вести-спорт
10.15 "Моя планета"
11.40 Рыбалка с Радзиевским
11.55 Top Gear
13.00, 18.00, 23.00 Вести.ги
13.25 Хоккей России
14.00, 18.30 Теннис. Междуна-
родный турнир "Кубок Крем-
ля-2010"
19.35 "Я могу!"
21.10 Х/ф. "Черный гром"
23.30 Футбол России. Перед тур-
00.00 Top Gear

Жума

06.00 "Все включено"
10.00, 13.10, 18.15, 23.20 02.25 Вести-спорт
10.10 Формула-1. Гран-при Ко-
реи. Свободная практика
11.55 Top Gear
13.00, 18.00, 23.00 Вести.ги
13.25 Футбол России. Перед тур-
14.00 Теннис. Международный
турнир "Кубок Кремля-2010"
19.45 "Спортивная наука"
20.40 Хоккей. КХЛ. "Спартак"
23.35 Вести-спорт.
Местное время
23.45 "Пятница"
00.15 Top Gear
01.20 М-1. Чемпионат мира по
смешанному единоборству
02.35 "Моя планета"

Шанба

06.00 "Моя планета"
08.00, 09.35, 13.10, 18.40, 23.15, 02.10 Вести-спорт
08.15 "Моя планета"
09.00 "Моя планета" представ-
ляет: "В мире животных"
09.45, 23.30 Вести-спорт. Мест-
ное время
09.55 Формула-1. Гран-при Ко-
реи. Квалификация
11.20 "Я могу!"
13.00 23.00 Вести.ги

13.25 "Охотник за медалями"
14.00 Теннис. Международный
турнир "Кубок Кремля-2010"
16.00 Футбол. Чемпионат Англи-
и. "Тоттенхэм" - "Эвертон"
18.55 Волейбол. "Зенит-Казань"
- "Локомотив-Белогорье"
20.45 Теннис. Международный
турнир "Кубок Кремля-2010"
21.35 "Я могу!"
23.15 "Спортивная наука"
02.20 "Моя планета"

Якшанба

06.00 Футбол. Чемпионат Англи-
и. "Тоттенхэм" - "Эвертон"
08.00, 09.55, 13.25, 18.10, 23.00, 01.20 Вести-спорт
08.15 "Моя планета"
10.05, 23.15 Вести-спорт. Мест-
ное время
10.15 Страна спортивная
10.45 Формула-1. Гран-при Ко-
реи
13.15, 18.00, 22.45 Вести.ги
13.45 Теннис. Международный
турнир "Кубок Кремля-2010".
Финал
18.30 М-1. Чемпионат мира по
смешанному единоборству
19.40 Футбол. Чемпионат Англи-
и. "Манчестер Сити" - "Ар-
сенал"
21.55 "Футбол Ее Величества"
23.20 Футбол. Премьер-лига.
"Анжи" (Махачкала) - "Зенит"
(Санкт-Петербург)
01.30 Формула-1. Гран-при Ко-
реи



ЖАР: Футбол асрида почта хизмати



(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Почта бизнеси

Мамлакат фуқароларига индивидуал почта манзиллари тақдим этиш SAPOга катта масъулият юклайди, чунки бу борада ҳукумат махсус дастур ишлаб чиққан.

Почта бизнеси реклама варақаларини элтиш, хавфсиз почта (secure mail) ва гибрид почта сингари йўналишларда, айниқса, яхши даромад келтиришти. Умуман олганда, ЖАРда реклама варақаларини тарқатиш ҳақиқий маънода «буюк портлаш»ни бошдан кечиряпти. Бунинг асосий сабаби қатор минтақаларда радио ва телевидениенинг йўқлигидир. SAPO тарқатадиган босма реклама шу ҳудудларга мўлжалланган. Гибрид почта мазкур йўналишда ишлаяпти, реклама варақалари жойларда чоп этилиши хизмат таннарини камайтиряпти, бутун мамлакат бўйлаб кунига 50-70 тонналик контейнерлар ўрнига 8 миллионга почта жўнатмаси юборилмоқда. Жанубий Африкада почта юк машиналари йилига 19 миллион километр атрофида йўл босади.

1997 йили ЖАР почта хизмати томонидан «Хавфсиз почта» бўлини маси ташкил этилган бўлиб, кредит карталари, чек дафтларчалари ва бошқа ҳужжатларни етказиш билан шуғулланади. Хавфсиз почта бўлини маси орқали жўнатилган почта рўйхатдан ўтади ва бутун йўл давомида назоратда бўлади. Хизмат олий даражада ташкил этилган, фақат 2 фоиз жўнатмалар манзил, почта кодларининг нотўғри кўрсатилиши каби омиллар сабаб тегишли манзилгача етиб бормайди. Компаниянинг галдаги мақсадларидан бири мазкур нуқсонга барҳам беришидир.

Компания иш сифатига бағишланган сўнгги ҳисоботнинг кўрсатишича, почтани вақтида етказиш ҳар доим ҳам уддаланмаяпти. Шу боис компания ҳозир 92-93 фоиз почтани уч кун давомида манзилга етказаятган бўлса, яқин орада 95 фоизлик натижага эришишни кўзлаган. Почта жўнатмаларининг 85 фоизи корхоналарга тегишли, SAPO бу миқозларни йўқотмаслик учун ҳам сифатни яхшилаши ҳар қачонгидан-да долзарб.

Postbank – бозор етакчиси

ЖАР почтаси молиявий хизматларни мамлакатдаги энг оммавий Почта банки (Postbank) орқали йўлга қўйган. Унинг асосий вазифаси «универсал хизматлар» кўрсатиш, яъни бошқа банклар етиб бормаган аҳоли қатламларини ҳам иқтисодий фаолиятга жалб этишидир.

Жанубий Африканинг кам тараққий этган аксарият ҳудудларида ягона банк бу Почта банкидир. Қолаверса, таҳлилчилар, Postbankни ЖАРнинг энг истиқболли омонат жамғармалари банки деб ҳисоблашмоқда. Бу ерда гап нафақат унинг сертармоқлиги, балки SAPO юритаётган оқиллона сиёсат ҳақида кетмоқда. Банк ЖАРдаги барча почта бўлимлари ва шох-бчаларида хизмат кўрсатади, хизматлар бозорнинг барча соҳалари, кам таъминланган фуқароларга қаратилган. Бу фуқаролар банк орқали депозит, пенсия ва нафақалар, турли давлат тўловларини олишлари, ўзлари ҳам турли тўловларни амалга оширишлари мумкин. Postbank ҳисобларидаги депозитлар 2009 йили 14 фоизга ошиб, 3,3 миллиард ранд (431 мил-

лион АҚШ доллари)ни ташкил этди. Банк даромади эса 475 миллион ранд (62 миллион доллар)га етди.

ЖАР почтаси режали равишда молиявий бизнесини кенгайтирмоқда, янги фаолият соҳаларини кашф этмоқда. Масалан, 2009 йил январ ойидан Почта банки давлат пенсия ва нафақалари олувчиларни рўйхатдан ўтказяпти, улар учун омонат жамғарма ҳисоблари очмоқда, бу ҳисоблардан фойдаланишни осонлаштирувчи банк карталарини тарқатяпти.

Худди почта сингари, Postbank ҳам катталар ва болалар учун молиявий саводхонликни оширишга қаратилган таълим дастурларини ўтказиб борди.

Видеокамера – ишончли восита

ЖАР почтаси логистика бозоридаги икки йўналиш: давлат ва хусусий секторни бир хилда эгаллашга интилоқда. SAPOнинг логистика бўлини маси 26 минтақавий идорадан ташкил топган бўлиб, уларда 1000 киши меҳнат қилади. Почтанинг 400та юк машинаси 3200та мижоз-компанияга хизмат кўрсатади. Логистика бўлини масида жўнатмаларни кузатишнинг компютерлашган тизими жорий этилган бўлиб, мижозлар ўз юклари қачон қаерда эканлигини билиб олишлари мумкин. Почта топширилганининг электрон шаклдаги тасдиғи ҳар қандай ўрилик ва фирибгарликларнинг олдини олади. Жўнатувчига унинг почтаси манзилга етиб борганлиги тўғрисидаги маълумот компакт дискка ёзилган фото ёки лавҳа шаклида тақдим этилади.

2009 йили SAPO кўшни мамлакатлар почта операторлари билан шартномалар имзолади. Энди унинг логистика бўлини маси Свазиленд, Ботсвана ва Намибияга курерлик ташувларини амалга оширмоқда.

Логистика бўлини маси уч йил давомида фаолиятини тубдан янгилашни режалаштирган. Бундан мақсад мамлакат ва хориж бозорларидаги хизматлари сонини кўпайтиришидир.

Почта ва футбол

Футбол бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик бутун мамлакат каби почта зиммасига ҳам ўта катта масъулият юклади. 2007 йили FIFA мамлакатнинг навбатдаги чемпионатга мез-

Логистика (2009 йил)

- Даромад – 40 млн. ранд (5,2 млн. доллар).
- SMS-хабар тизими жорий этилди.
- Бутун курерлик хизмати рақамли имзога мўлжалланган клавиатуралар билан таъминланди, ҳайдовчи-курерлар почтанинг етказилганлиги ҳақида мижознинг рақамли имзосини олиш имконига эга бўлишди.
- Почта операторлари билан шартнома асосида SAPO кўшни мамлакатлар – Свазиленд, Ботсвана ва Намибия учун курерлик амалиётларини йўлга қўйди.

бонлик қилишни тасдиқлагач, SAPO шу муносабат билан эсдалик марка ва хатжилларини чиқарди, Open Window визуал коммуникациялар мактабининг иккинчи босқич талабаси Мишел Беукснинг эскизи миллий танловда ғолиб чиқди. Марка ва хатжилларда футбол тўпини олд оёқларида ушлаб турган Африка ёввойи ити тасвирланган. Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, мамлакатда чоп этилажак почта маркалари мавзусини коммуникациялар вазирлиги тасдиқлайди. Коммуникациялар бўйича мутахассислар, расмолар, санъатшунослар ва соҳага дахлдор бошқа мутахассислардан иборат махсус кўмита маркалардаги тасвирлар мавзусини тақдим этди. Мавзу тасдиқлангач, ҳакамлар ҳайъати энг яхши дизайн учун танлов эълон қилади. Жаҳон чемпионатига бағишланган дастлабки марка ҳам худди шундай чигирикдан ўтди. Мамлакат учун тарихий ҳисобланган футбол байрамга бағишланган маркалар ҳар йили то 2010 йилгача чоп этиб келинди. Футбол нафақат ЖАР, балки бутун Африка учун эътиборга молик воқеа сифатида қабул қилинди. 2010 йил апрелида қитъанинг бир нечта мамлакати ўзaro жаҳон чемпионатига бағишланган маркалар туркуми чиқаришга қарор қилишди. Лойиҳада Ботсвана, Намибия, Лесото, Свазиленд, Малави, Замбия, Маврикий, Мозамбик ва албатта, Жанубий Африка Республикаси иштирок этди. Жаҳон чемпионати арафасида чиқарилган бу янги маркалар нафақат филателистлар, шунингдек, футбол ишқибозларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Улар аксарият аҳолиси хатжиллардан фойдаланишни билмайдиган, бироқ электрон рақамли имзо биринчи бўлиб таъсис этилган ушбу экзотик мамлакатдан эсдалик сифатида Африка маркаларини ўз юрларига олиб кетишди.



Почта банкининг янги хизматлари

– Ер ресурслари вазирлиги билан ҳамкорлик. Postbank мазкур вазирликка бўладиган ерга эгалик ҳуқуқи бўйича талабномалар учун тўловлар қабул қилади. 2009 йили бу борада тўловлар 60 фоизга ошди.

– ЖАРнинг энг йирик университети – UNISA билан ҳамкорлик. Шартнома асосида таҳсил олувчи талабалар тўловларни мазкур банк бўлимида амалга оширишди. Банк маблағларни SABCO (Ешлар учун таълим) давлат дастури асосида тақсимлайди. Қолаверса, Telkom (телекоммуникациялар), Eskom (электр энергияси) каби давлат компаниялари ва бошқа коммунал хизматлари тўловларини йиғишда қатнашади.

Баркамол авлод — юрт келажяги!

Баркамол авлод йили Давлат дастурини бажариш борасида Самарқанд вилоятида ҳам бир канча ишлар амалга оширилди.

Дастурнинг «Ҳар бир оила ҳаёти-да замонавий ахборот технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш» номли V бўлими талабларининг бажарилиши юзасидан шу кунгача бўлган даврда «ЎЗИ-Самарқанд» филиали мажлислар залида, Самарқанд ахборот технологиялари ҳамда Самарқанд компьютер технологиялари ва саноат коллежларида ҳар ойда бир мартадан «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилди.

Асосан фуқаро ва талабаларга мўлжалланган бундай йилларда 202 нафардан зиёд киши қатнашиб, улар учун алоқа соҳасида тегишли лицензиялар олиш масалалари ва уларга қўйилган талаблар ҳақида малакали мутахассислар томонидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тошкент ахборот технологиялари университетиди ташкил этилган «Бунёдкор ёшлар» ўқув отрядлари томонидан вилоят аҳолисини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасининг бажарилиши юзасидан 2010 йил 5-30 июл кунлари ТАТУнинг Самарқанд филиали 4-босқич талабалари Ганишер Элтоев ва Лазиз Хотамовлар томонидан Нуробод саноат касб-хунар коллежида «Компютер саводхонлиги» ўқув курслари амалга оширилди. Курслар натижасида 80 дан ортиқ тингловчилар компютер ва интернетдан фойдаланиш борасида ўз билим ва тажрибаларини оширишди.

Почта алоқаси бўлимида автоматлаштирилган иш ўринлари яра-



тиш асосида почта хизматини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, АКТ негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш борасида вилоятнинг Иштихон туманида аҳолига хизмат кўрсатишнинг «Гибрид» электрон пул жўнатмалари юбориш ташкил этилди.

Вилоятнинг 20 дан зиёд алоқа бўлими компьютерлар, принтер, сканер, нусха кўчириш ускуналари, факс аппаратлари билан таъминланди.

Давлат дастури доирасида Пушкин номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази томонидан «Буюк ва бетакрор бобомиз», «Баркамол авлод тарбияси йўлида», «Соғлом, ўқтам, етук ёшлар эртанги кунимиз ворислари», «Оила — маънавият ва меҳр-оқибат маскани», «Бу муқаллас Ватанда азиздир инсон» каби ўнлаб мавзулардаги электрон базалар яратилиб, 12та ахборот-ресурс

марказларига, «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг бунёдкорлари» мавзусидаги электрон база бта ахборот-ресурс марказига тақдим этилди.

Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси қўмитаси томонидан дастурда белгиланган «Талаба ва ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, ёшларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш» юзасидан ТАТУнинг 2010 йил битирувчиларидан 12 нафар йигит-қиз «Самарқанд Телеком» филиалига, бошқа корхоналарга эса 18 киши квоталанган иш жойларига қабул қилинди.

Дастурнинг «Талаба ва ўқувчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатларини рағбатлантириб бориш» юзасидан олтига корхонадаги 191 ки-

шига, шу жумладан, кам таъминланган оилаларнинг 60 нафар 7-11 ёшга ча бўлган болаларига спорт формалари олиб берилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 18 нафар талаба контракт пулларининг бир қисми тўрт корхона томонидан қопланди.

Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда алоқа ходимлари касабга уюшмаси марказий кенгашининг кўчма кубоги учун мини футбол бўйича анъанавий республика мусобақалари ўтказилиб, унда ШМАТБ-4 корхонаси жамоаси вилоят босқичида ғолиб чиқди ва республика босқичига йўланма олди.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ёш ходимлари ўртасида шашка, шахмат, стол тенниси, кўпкураш ва оилавий мусобақалар бўйича Баркамол авлод йилига бағишланган уч босқичли республика спартакиадаси вилоят босқичида бта алоқа корхонаси иштирок этди ва ўн иштирокчи ғолиб деб топилиб, республика мусобақаларида қатнашди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, маънавий дунёқарашни ўстириш, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, уларни турли иллатлар хавфи ва зарarli таъсирлардан ҳимоя қилишда вилоят алоқа корхоналарининг ҳар бирида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу асосда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва университетлар, диний идоралардан мутахассислар чақирилиб, ўнлаб семинарлар ташкил этилди. Талаба ва ёшлар қадимий Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг тарихий обидаларини зиёрат қилдилар.

Самарқанд вилояти алоқа корхоналарида Баркамол авлод йили Давлат дастурининг бажарилиши давом этмоқда.

Абдуғафур ХОТАМОВ,
«Xabar»нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов «Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор» рисоласида «... XXI аср интеллектуал салоҳият, тафаккур ва маънавият асри сифатида инсоният олдида янги-янги уфқлар очиши билан бирга, биз илгари кўрмаган, дуч келмаган кескин муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятни эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Модомики, шундай экан, энди одамлар, ёшлар китоб ўқимай қўйди, деб фақат нолиб ўтирмасдан, ана шу таъсирчан замонавий ахборот воситалари орқали адабиётимизни кенг тарғиб этиш, хусусан, интернет имкониятларидан фойдаланиб, етук бадиий асарларни ёшларга етказиш устида ҳам жиддий бош қотириш зарур, деб ўйлайман.

Бу ҳақда сўз борганда, ўзбек тилидаги интернет адабиётини шакллантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг ўз веб-сайтларига эга бўлишига эришиш нафақат адабий жараёнга, керак бўлса, бутун маънавий-маърифий ҳаётимизга кучли таъсир ўтказишини сизлар албатта яхши тушунасиш», — деб алоҳида таъкидлаган эди.

Юртбошимизнинг ушбу фикрларига алоҳида эътибор берган ҳолда, UZINFOCOM маркази томонидан ташкил этилган ўзбек интернетининг мулоқот майдончаси ҳисобланмиш Ufoqumнинг «Ижод хусусида сўз» бўлимида

Онлайн суҳбатдошлар билан реал мулоқот



мана бир неча йилдирки, ўнлаб ижодкорлар билан форумдошлар ўртасида интернет орқали онлайн суҳбат ўтказилапти. Ушбу онлайн суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира ва адиба, таниқли маданият тарғиботчиси Турсунной Содиқова ҳам фаол қатнашиб келмоқда.

Жорий йилнинг 8 октябрида Ufoqum жамоаси ҳамда UZINFOCOM марказининг ходимлари ўртасида адиба Турсунной Содиқова билан шахс маънавияти мавзусида юзма-юз мулоқот бўлиб ўтди. Ижодий мулоқот ташкилотчиси UZINFOCOM маркази ҳамда Ўзбекистон

ёзувчилар уюшмасидир. Маънавият тарғиботчиси суҳбатга киришар экан, асосан руҳий таҳлилга суянди, баркамол авлодни тарбиялашда нималарга жиддий эътибор қаратиш кераклиги ҳақида ҳаёт дарсидан йўлланмалар кўрсатди, тингловчиларнинг саволларига батафсил жавоб берди. Мулоқотда умилли ёш шоира Адиба Умирова ҳам иштирок этиб, ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Учрашув сўнгида Турсунной Содиқова эсдалик учун қатнашчиларга ўзининг янги «Умр биттадир» китобига дастхат ёзиб тарқатди.

Ўз мухбиримиз

Почта хизмати юксалаверади

Ўтган ойнинг учинчи ўн кунлигида Қарши шаҳрида ахборот технологиялари анъанавий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Қашқадарё филиали ҳам фаол катнашиб, иштирокчи ва меҳмонларни замонавий почта алоқаси хизматлари билан яқиндан таништирди. Жараённинг ўзида барча турдаги хизматлар кўрсатилиб, иштирокчилар соҳа жадал суръатлар билан тараккий этаётганлигининг яна бир бор ғўвоҳи бўлдилар. Мухбиримизга филиал директори Солиҳ Хафизов вилоят почта алоқаси соҳасининг истикболлари ва бугунги кунда олиб бораётган фаолияти тўғрисида сўзлаб берди.

— Аввало шунинг таъкидламоқчиманки, анъанавий миллий ахборот технологиялари кўргазмаси вилоятимизда биринчи мартаба ташкил этилган бўлса-да, ҳақиқий байрам тўсини олди. Эътиборли томони шундаки, кўргазма Баркамол авлод йилида ўтказилиб, унинг мақсади ҳам ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги кўникмаларини ошириш, янгиликлардан бохабар бўлишларини таъминлаш, соҳа янгиликларини республикамиз ҳудудидега тенг тақсимлашига омил бўлиб хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда АКТнинг нақадар тезкорлик билан ривожланиб бораётганлигининг яна бир белгисидир.

Инсоният XXI асрнинг тараккий этган технологиялари билан ишламоқда. Кишилари-мизнинг янгиликларга, хабарларга бўлган эътиблари ҳам охири бормоқда. Тўғри, давримизга фан-техниканинг улкан ютуқлари бўлган технологиялар кириб келди. Ана шу воситалар орқали хабарлар бир зумда сайёрамиз узра тарқалмоқда. Бир-биримиздан кўнгил сўраш учун мобил алоқа воситаларидан, интернет тармоғидан фойдаланамиз. Бироқ даврий нашрларни, хат ва жўнатмаларни ўз эгаларига етказишда почта алоқаси хизматининг ҳам ўз ўрни ва аҳамияти бор.

Бугунги кунда филиалимиз тизимида 14та почта алоқаси тармоғи, 286та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, уларда минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Почта алоқаси хизматлари бозоридеги талабларни қондириш, турларини кўпайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида модернизация ва техник қайта жиҳозлаш ҳамда дунёнинг илғор технологияларини қўллаш баробарида хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш ва замонавийлаштириш борасида ишлар ташкил этилаётди.

Ахборот-коммуникация технологиялари негизда янги замонавий хизматларни амалга ошириш бўйича филиали-мизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъ-



камасининг 2004 йил 19 июлдаги 339-қарори ҳамда 2005 йил 19 майдаги 128-қарорига асосан “2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастурлари”нинг бажарилиши бўйича ҳисобхона ишлари ва ходимлар бўлими тўлиқ марказлаштирилганлиги сабаб аввало ҳисоб, иқтисод, почта алоқаси ва бошқа бўлим мутахассисларининг иш ўринлари компьютерлар билан таъминланди, обуна мавсумида ишлатиладиган касса аппаратлари, замон талаблари асосида барча обуна ишларини босқичма-босқич компьютер техникалари билан бажариш йўлга қўйилди.

Аҳолига қўлайлик яратишда терминал аппаратлари ўрнатилиб, пластик карточкалар орқали тўловларни амалга ошириш, жойларда электрон пул жўнатмалари тизими жорий этилди. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 26та замонавий компьютер жамланмалари сотиб олинди, барча қўлайликларга эга интернет-кафе фаолият кўрсатмоқда. Бир неча туман почта алоқаси тармоқларида қўшимча хизматлар кўрсатиб келинмоқда.

Замонавий, қўлай, бири-бирдан афзал хизматларнинг ҳаётга татбиқ этилиши даромадларнинг ўсишига омил бўлмоқда.

Юқоридеги қарор ижросига кўра, туманлар почта алоқаси тармоқларида тўлиқ реконструкция ишлари амалга оширилди. Замонавий алоқа

бўлимлари шаҳар ва қишлоқларга кўрк бағишлабгина қолмай, сифатли алоқа хизматларини кўрсатишда ўрнатилмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасидаги “ICTExpo-2010” анъанавий миллий ахборот технологиялари кўргазмасида филиалимиз мутахассислари фаол иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги 117-қарори ижросини ҳамда замон талаблари асосида ишлаб чиқарилаётган ахборот-коммуникация технологиялари, уларни ривожлантириш, кенгайтириш ва жорий этишни таъминлаш бўйича ишлар олиб борилаётганлигини кенг оммага намоён этдилар.

Бугун вилоятимизнинг энг олис, чекка аҳоли масканларида ҳам кўчма алоқа бўлимлари ташкил этилган. Улар учун ҳам худди шаҳарликлар сингари тезкор почта алоқаси хизмати, ўз вақтида почта алмашинувлари, даврий нашрларнинг ўз вақтида етказилиши, жўнатмаларни қабул қилиш яхши йўлга қўйилган.

Вилоятимиз маркази Қарши шаҳрида ўтган анъанавий миллий ахборот-технологиялари кўргазмаси филиалимиз ходимларига коммуникация технологиялари рақобати майдонида нафақат ўз имкониятларини намойиш этишни, балки соҳавий ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик кўникмаларининг янги қирраларини очиб, иштирокчиларга замон билан ҳамнафасликларини кўрсатди.

Афтондил ИСМОИЛОВ
эзиб олди

Бухоро вилояти ўқув муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жондор туманидаги 1-умумтаълим мактаби бунга мисол бўла олади. Бу мактаб яқиндан бошлаб “East Telecom” провайдери орқали “ZiyoNet” ахборот-таълим тармоғига уланди.

Ўқув жараёнида замонавий технологиялар

Ушбу мактабда 799 нафар ўқувчи билим чўққилари сари интилмоқда. Уларга 82 нафар педагог фан асосларини чуқур ўргатапти. Билим даргоҳида ахборот-ресурс маркази ҳамда иккита компьютер синф хонаси ташкил этилган. Ҳеч шубҳасиз, бу умумтаълим мактабида замонавий ўқув технологияларининг кенг татбиқ этилганлар мактаб педагогик жамоаси ва ўқувчи-ёшлар учун қатор қўлайликларни яратди. Чиндан ҳам, бу ерда ўрнатилган ахборот-таълим тармоғи орқали мамлакатимиз ва хориждаги янгилик ҳамда воқеа-ҳодисалардан ўз вақтида хабардор бўлиб бориш, илғор педагогик тажрибаларни кенг қўллаш имконияти мавжуд бўлиб, бу, ўз навбатида, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, ўқув жараёнида сифат кўрсаткичларига эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этапти.

Билим даргоҳида, шунингдек, масофадан туриб ўқиш учун ҳам тегишли шарт-шароитлар мавжудлиги кишини қувонтиради. Худуддаги 2, 3 ва 4-умумтаълим мактаблари ҳамда 20-мактаб-интернат ҳам “ZiyoNet” ахборот тармоғига уланган. Республика Вазирлар Маҳкамасининг “ZiyoNet” ахборот-таълим тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2013 йилга қалар тумандаги барча мактабларни мазкур тармоққа улаш режалаштирилган.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг
Бухоро вилоятидаги мухбири

Кўчма кутубхона хизмати

Навоий вилояти ахборот-кутубхона маркази ходимлари пахтакорларга кўмак бериш баробарида ўзларининг беминнат кутубхона хизматини ҳам кўрсатишмоқда. Улар пахта далаларида кўчма кутубхона хизматини ташкил этиб, пахтакорларнинг маънавий дам олишлари, кўнлик янгиликлардан бохабар бўлишлари эришмоқдалар. Режага киритилган тадбирларни вақтида таъминлаш мақсадида бевосита пахта далаларида талбирлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Навоий давлат педагогика институтини қўшидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчилари меҳнат қилаётган жамоа ҳўжалигида бўлиб ўтди. “Бола ҳуқуқлари давлат ҳимоясида” деб номланган ушбу давра суҳбатига болажонларимизнинг ҳуқуқлари баробарида уларнинг Ватан, халқ олдидеги бурчларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Давра суҳбатига мос равишда ташкил этилган китоб кўргазмаси ўқувчилар ҳуқуқига ҳавола этилди. Шу кунни улар ҳам меҳнат қилишиб, ҳам дам олишди.

Жамила БОБОМУРОВА,
вилоят АКМ илмий-услужбати бўлими мудири

UZPAYNETдан янгилик

StarsTV рақамли телевидениеси мижозлари энди абонент тўловларни UZPAYNET шохобчаларида тўлашлари мумкин.

Тўловни амалга ошириш учун мижоз Maks Layn компанияси томонидан тақдим этилган смарт карта рақами ва тўлов учун суммани топширса бас. Тўлов санокли сонияларда амалга оширилади ва шу вақтнинг ўзидеги ҳисоб тўлдирилганлиги ҳақида маълум қилинади.

Шунингдек, StarsTV мижозига айланиш истагида бўлган фуқаролар улашиш тўловини UZPAYNET орқали амалга оширишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда рақамли телевидение учун тўловларни қабул қилиш бу UZPAYNETнинг мутлақо янги хизмат тури ҳисобланади.

Кадимий шаҳарча Style.uz худудидида

Тошкент — кадимий тамаддунлар маркази, Шаркнинг кадимий обидалари ва замонавий иншоотларни ўзида бирлаштирган маданий ва тарихий кадрятлар маскани. Art Week Style.uz ҳафталиги модалар намойишлари ва турли мавзули кўргазмаларни ўз ичига олибгина қолмай, у томошабинлар эътиборига Ўзбекистон тарихининг очилмаган қирраларини ҳам тақдим этди. “Қанҳа шаҳарчаси: ўтмиш ва замона археологик кўргазмаси” ўзбек олимлари томонидан аниқланган топилмалар билан жамоатчиликни таништиради.

2009 йилнинг октябр-ноябр ойларида «MEROS» Ўзбекистон антикварлари уюшмаси Фонд Форум ҳомийлигида Қанҳа шаҳарчасида қазилма ишларини ўтказишни эълон қилган эди. Қанҳа шаҳарчаси Тошкент шаҳридан жанубга томон 60 км. узоқликда, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган. Қанҳа номи таркибиди Чоч (Тошкентнинг қадимги номи) шаҳри бўлган қадимги Қанг давлати билан боғлиқ.

Кўргазмада Қанҳа шаҳарчасида олиб борилган қазилма ишлари бошланишидан олдинги майдон, қазилган бинолар, қадимги иморатлар қолдиқларининг фотоҳисоботини кўриш мумкин эди. Фотосуратлар шу даражада жонли ишланганки, уларни кузатиб беихтиёр ўзингни қадимий шаҳар кўчасида юргандек ҳис этасан. Кўргазма витриналарига қўйилган қулолчилик буюмлари, хумлар, тангалар, муҳрлар ва бошқа қадимий топилмалар ўша давр ҳақидаги тасавурларни янада бойитали.

Академик Юрий Буряков, тарих фанлари доктори, Қанҳа шаҳарчаси худудидидаги археологик ишлар раҳбари (Ўзбекистон):

— Кўргазмада қазилма ишларининг асосий босқичлари намойиш этилган. Бу тадбир эндиликда бундай ишларни янада кўпроқ амалга ошириш кераклигини намоян қилади. Art Week Style.uz ҳафталиги юртимиз маданиятини дунёга танитаётгани ва бунга бизнинг археологик кўргазмамиз ҳам бир ҳисса бўлиб қўшилаётгани мени бағоят хурсанд қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Яйпан почта алоқаси тармоғи ходими Лолахон Имомназаровага волидаи муҳтарамаси

Мўътабархон ОРИПОВанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Андижон филиали ҳамда қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Шаҳрихон почта алоқаси тармоғида узоқ йиллар ишлаган собиқ алоқа бўлими бошлиғи

Турсунбой НИШОНОВни вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Иззат тиласанг — меҳнат қил. Худойим меҳнат қилгани қўллайди. Бойликни қўзлама, қаноатни қўзла, қаноатдан ортик бойлик йўқ. Қаноат — экинзор, уруғи — бойлик...

Отасининг шу каби пурмаъно сўзлари қўлига қўлиб қолган, ҳамон ҳаёт йўлларини ёритиб келди. Инсондан яхши сўзи, иши қолади, деганлари шу бўлса керак. Ўтган умр саҳифаларига назар ташлар экан, Мусажон ака ана шулар ҳақида ўйлайди.

... У алоқа соҳасига ишга келганида қурилиш, энергетика соҳаларида 15 йилча ишлаб кўйган ўтлов йигит эди. Фарғона политехника институтида сиртдан таҳсил олган, Москвада ҳарбий хизматни ўтаб қайтган билимдон мутахассисни жамоа илиқ қўтиб олди.

Техника хавфсизлиги муҳандиси вазифасини унга ишониб топширишди. Устози Зилкин жуда меҳрибон одам экан. Бошини силаб, муомала маданиятини ўргатди. Борис Николаевичнинг ғамхўрлиги сабаб касбининг, демакки, ўзининг обрўсини оширишга муяссар бўлди.

Баъзан қаттиққўлиги ҳалдан ошиб кетгандек туюлади. Лекин бир оз вақт ўтиб, шогирдлар ҳам, филиал ходимлари ҳам Мусажон аканинг талабчанлиги нақалар ўринли эканлигига иқдор бўлишди. Ахир гап энг катта ва бебаҳо бойлик — инсон ҳаёти ҳақида кетяпти-ку! Иши, ташвиши — одамлар тинчлиги, соғ-омонлиги. Шундай бўлган ундан ўпка қилиб бўлармиди. Барака топсин, кам бўлмасин, дейсиз, холос. Айниқса, монёрлар ва кабелчилар билан кўп ишлашга тўғри келди. Уларнинг билимлари қандай — имтиҳон қилиб туриш шарт. Раҳбарлар ва ходимларнинг билими-

ни уч йилда бир синовдан ўтказалди. Ҳар чоракда шаҳар ва туман боғламаларида бўлиб, аҳвол билан танишади, кўрсатмалар беради. Бу орада иш бошлаган чорак аср давомида техникалар юз фоиз ўзгарди. Техника муҳандислари

транспорт устаси, шофёр, ветврач... Ана шу масалаларда муаммо туғилиб қолса ҳам Мусажон акага мурожаат қилишади.

Ҳа, Мусажон ака Аллоҳга минг бора шукроналар айтади. У шу ёшда ҳам онажониси меҳрию насиҳатларидан баҳраманд. Ҳар куни дуосини олади. Бир неча йил аввал Маҳбубахон момони ҳожилик шарафига етказган бўлса, энди икки йил бўлди — ўзи мусулмон-

Ҳар бармоғи — бир ҳунар

олдига қўйиладиган талаблар ҳам кучайтириб борилмоқда. Соат сайини ривожланаётган соҳада ишлаш қанчалар гаштли бўлса, шунчалар маъсултиятли ҳамдир. Бир-бирдан оқил раҳбарлар билан ҳамкор, соҳа ривожини йўлида жон қуйдириб келаётганидан ҳар қанча фахрланса арзийди — Суягим шу ерда қотди. Ҳаммага бир ҳарф бўлса ҳам ўргатдим.

Бу сўзларда қониқиш бор — ўтган умрдан, раҳбариятидан, жамоасидан. Ёлгоржон Жўрабоев (Қўқон), Валиқўзи Тешабоев (Риштон), Қосимжон Мустақов (Бағлод), Лутфилло Тешабоев (Водил) каби шогирдлари номини ифтихор билан тилга олади.

Ҳар бармоғи — бир ҳунар, деб таърифланувчи қаҳрамонимизнинг фазилатларини яна кўп санаш мумкин: энергетик, қурувчи,

чиликнинг бешинчи фарзини адо этиб қайтди. Турмуш ўртоғи, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Маҳфиратхон ая билан уч ўғил, икки қизни солиҳ инсонлар қилиб қаторга қўшишди. Ҳаммаси олий маълумотли, эл-юрт хизматида. Ўн бир негара кўзларни қувнатиб, униб-ўсишмоқда.

— Бир инсон бахти бўлса, шунчалик бўлар, — дейди Мусажон ака Ёқубжонов. — 60 ёшни бардам-бақувват, ёруғ юз билан қўтиб олиш насиб этганига шукр...

Бугун “Фарғона Телеком” филиали жамоаси уни муборак ёш билан табриқлаб, сиҳат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар иқболлини кўришликни тиламоқда.

Ҳафиза САЛЯХОВА,

“Хабар”нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

Тармок ривожланмоқда



Билайн

“Билайн” Самарқанд вилояти худудидида GSM тармоғи зонасини кенгайтирганини маълум қилади.

“Кўрсатилаётган хизмат сифати ҳамон бизнинг устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда, — дея изоҳлади “Юнител”нинг Марказий худудий филиали директори Баҳром Махатов. — Абонентлар базасининг ўсиши ва USB-модемларнинг оммалашиши боис “Билайн” тармоғини модернизация қилиш ва мобил интернетни ривожлантириш келгуси йили ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади”.

Янги база станцияларининг қурилиши натижасида Пастдарғом, Пахтачи ва Ургут туманларида алоқа сифати яхшиланди. Бундан ташқари, қўшимча ускунанинг ўрнатилиши Самарқанд-Термиз йўлидаги радиоқопламани яхшилаш имконини берди.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади

Кафедра мудири:

Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари — 1;
Ахборот технологиялари — 1; Электрон тижорат — 1.

Катта ўқитувчилар:

Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1;
Физика — 1; Фалсафа — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Иктисод — 1; Чет тиллари — 2; Почта хизматини автоматлаштириш — 1;
Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар буйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари катнашишлари мумкин.

Маъзил: Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел: 238-64-06.



TAEKVONDO

Жаҳон чемпионати якунланди

**Тошкентда
8-10 октябр
кунлари
таэквондо
“пумсе” бўйича
V жаҳон
чемпионати
бўлиб ўтди.**



Бутунжаҳон таэквондо федерацияси (WTF), Ўзбекистон таэквондо WTF ассоциацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган чемпионатда дунёнинг олтинчи яқин мамлакатидан келган тўрт юз элликдан зиёд спортчи голиблик учун куч синишти.

Мусобақа ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида яккалик, жуфтлик ва жамоавий “пумсе” — комплекс машқларни бажариш бўйича ўтказилди. Унда спортчилар 28 олтин, 28 кумуш, 56 бронза, жами 112 медал учун кураш олиб борди.

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси кейинги йилларда таэквондо

“пумсе” йўналишини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. “Пумсе” — таэквондонинг WTF йўналишидаги комплекс машқлардир. У спортчининг ўз танасини чиниқтириши, ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларини такомиллаштириши, жисмоний ва руҳий тайёргарлигини мунтазам оширишига хизмат қиладиган муҳим восита. “Пумсе” бўйича жаҳон чемпионатлари 2006 йилдан буён ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳри мезбонлик қилган таэквондо “пумсе” бўйича V жаҳон чемпионатида мамлакатимиз шарафини йигирма бир нафар спортчи ҳимоя қилди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Алла Таранова фахрийлар ўртасидаги яккалик беллашуварларида иккинчи ўринни эгаллади. Катталар ўртасидаги жуфтликлар баҳсларида Осиё чемпионати совриндори Александр Ли ва Ирина Дергач дуэти ҳам жамоамиз ҳисобига иккинчи кумуш медални қўшди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Александр Лим, Михаил Афиногенов ва Александр Ни жамоавий “пумсе” бўйича бронза медални қўлга киритди.

Жаҳон чемпионатида 16 ёшли Зафар Сатторов ўсмирлар ўртасидаги мусобақада учинчи ўринни эгаллади.

TENNIS

Tashkent Challenger – 2010

Пойтахтимизда эркаклар ўртасида ўтказилаётган “Tashkent Challenger – 2010” халқаро теннис турнирининг яккалик беллашуварларида иштирок этаётган ҳамюртимиз Фаррух Дўстов кетма-кет икки галабасини нишонлади.

Дастлабки учрашувда франциялик Лорен Рекодерни 7:6, 6:7, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратган Фаррух иккинчи босқичда учинчи рақамда сараланган португалиялик Фредерико Жилга қарши кортта чиқди. Беллашувда ҳамюртимиз 6:4, 6:1 ҳисобида зафар кучди.

Яккаликлар баҳсининг қолган учрашуварларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

Райнер Шуттлер (Германия) — Александр Пея (Австрия) 6:3, 6:4, Гилл Мюллер (Люксембург) — Иван Сергеев (Украина) 7:5, 3:1.

Жуфтликлар баҳсида словакиялик теннисчилар — Карол Бек ва Филипп Поласек ўзаро ҳамкорликда Евгений Кириллов ва Константин Кравчук (Россия) жуфтлигини 6:3, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлса, ямайкалик Дастин Браун ва нидерландиялик Роже Вассен дуэти беларуслик Владимир Игнатик ва словакиялик Андрей Мартин жуфтлигини 4:6, 6:4, 10:7 ҳисобида енгди.

KANOE

Вадим Менков — дунёнинг энг яхши каноэчиси

Халқаро каноэ федерацияси (ICF) томонидан каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки қарра жаҳон чемпиони Вадим Менков “2010 йилнинг энг яхши каноэчиси”, деб эълон қилинди.

Икки йилдан буён каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон рейтингда пешқадамлик қилиб келаётган Вадим Менков 2009 йили жаҳон кубогининг Чехия, Полша ва Венгрияда ўтказилган уч босқичда битта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритиб, Канададаги жаҳон чемпионатида каноэда 1000 метрга эшак эшиш бўйича голиб чиққан ва Халқаро каноэ федерацияси унга дунёнинг “Энг яхши каноэчиси”га аталган соврин — махсус кубокни топширган эди.

Йилдан-йилга галабалари сони ва салмоғини ошириб бораётган ҳамюрти-

миз жорий мавсумда ҳам байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон кубоги мусобақасининг Франция, Венгрия ва Германияда ўтказилган босқичларида бир жуфт олтин ва битта кумуш, август ойида Полшадаги жаҳон чемпионатида биттадан олтин ва бронза медалга сазовор бўлди. Моҳир спортчимизнинг юксак натижаларини юқори баҳолаган Халқаро каноэ федерацияси жаҳон рейтингда пешқадамлик қиладиган ўзбекистонлик спортчини кетма-кет иккинчи мартаба дунёнинг “Энг яхши каноэчиси” сифатида тан олди.

Айни пайтда Вадим Менков Ўзбекистон терма жамоаси таркибиди шу йилнинг 12-27 ноябр кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўладиган навбатдаги ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.

FUTBOL

Ёшларимиз ЖЧ йўлланмасини қўлга кирита олмади

Осиё чемпионатида иштирок этган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Саудия Арабистонига қарши кечган чорак финал учрашувида 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраб, Жаҳон чемпионати йўлланмасидан маҳрум бўлди.

Учрашувда Абдумуттолиб Абдуллаев 7-дақиқадаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлганди. Аммо ушбу тезкор гол галаба учун камлик қилди. Уйиннинг қолган дақиқаларида Саудия Арабистони терма жамоаси катта ташаббусга эга бўлиб, Виктор Мочалов дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятларни содир эта бошлади.

Беллашувнинг иккинчи қисмида ҳам сценарий деярли ўзгармади, аксинча саудияликларнинг ҳужумлари янада жиддий кўриниш ола бошлади. Уйин якунланишига 7 дақиқа қолганида Халид Ал-Короний шогирдлари барибир ўз ниятларига эришишди. Марказий ҳимоячилар ўз вақтида тўпни жарима майдон ичидан узоқлаштира олишмади, натижада Абдулла Отаиф бу “туҳфа”дан унумли фойдаланиб, мувозанатни тиклади.

Уйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида дуранг билан якунлангач, эронлик ҳакам Муҳсин Торкий 15 дақиқадан иборат икки қўшимча тайм белгилади. Қолган дақиқаларда ҳам мухлислар худди шундай ўйин гувоҳига айланишди. Баҳс тақдирини ҳал қилган гол эса, 96-дақиқада киритилди. Иккинчи бўлимда Смоляченко ўрнига майдонга туширилган Бекзод Мирҳайдаров ўнг қанотда тўпни рақибга олдириб қўйди ва у тўпни жарима майдончаси ичида турган шеригига етказиб берди, Фахад Ал-Жоханий эса ортиқча қўйинчиликсиз Мочалов дарвозасини аниқ нишонга олди.

Шу тариқа, ўйин 2:1 ҳисобида Саудия Арабистони фойдасига ҳал бўлди ва улар 2011 йили Колумбияда ўтказиладиган Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритишди. Афсуски, Ўзбекистон терма жамоаси мусобақада ўз олдига қўйилган минимум вазифани ҳам ушдалай олмади.

Ўзбекистон — Саудия Арабистони — 1:2

Голлар: А.Абдуллаев (7) — Абдулла Отаиф (83), Фахад Ал-Жоханий (96).

Ўртоқлик учрашувлари: мағлубият ва галаба

Вадим Абрамов бошчилигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё кубогига тайёргарликни давом эттирмоқда. Ушбу тайёргарлик режасига кўра сафарда Саудия Арабистони ва Баҳрайн терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувлари ўтказилди.

Биринчи баҳсда йирик ҳисобда имконият бой берилди. Учрашувнинг 30 дақиқасида дарвозамиз томон белгиланган пеналти ва марказий ҳимоячимизнинг майдондан четлатилиши жамоа ўйинига қаттиқ зарба бўлди. Қанча ҳаракат қилишмасин, терма жамоамиз вакиллари ўзларини ўнглай олишмади.

Саудия Арабистони — Ўзбекистон — 4:0

Голлар: Мухаммад Асири, 30пен., 45 , Тасир Ал Жасим, 23, Салих Башир, 89

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўзининг навбатдаги ўртоқлик учрашувини Баҳрайнга қарши ўтказди. Мазкур ўйинда терма жамоамиз Вадим Абрамов бошчилигидаги илк галабасини қўлга киритди.

Ўйинни анча юқори кайфиятда бошлаган вакиллари-миз 6-дақиқадаёқ ҳисобда олдинга чиқиб олди. Андреевнинг ўнг қанотдан уюштирган ҳужумидан сўнг тўп рақиб жарима майдони ичида Олим Навкарговга келиб тушди ва у дарвозани ишғол қилди.

Яна олти дақиқа ўтиб вакилларимиз ҳисобнинг 0-2 бўлишини таъминлашди. Бу сафар Александр Гейнрих Олим Навкаргов билан девор услубида ўйнаган ҳолда дарвозабон билан бирга бир вазиятга чиқиб имкониятдан унумли фойдаланди.

Бироз ўтиб Фаёзи Муборак ҳисобни қисқартирди.

Жамоа сардори Одил Аҳмедов 42-дақиқада баҳрайнликларни чиройли услубда жазолади. Майдон яримидан тўпни қабул қилиб олган Одил уч рақибни алдаб ўтиб, дарвозабонни ҳам доғда қолдирди.

Максим Шацких ҳам майдонни голсиз тарк этмади. Андреев, Гейнрих ва Шацких комбинацияси гол билан якунланди. Иккинчи бўлим бошланиши билан бизниклар яна ўз дарвозасидан тўп олиб чиқиди. Хасан Хамиснинг ҳамаси 25-30 метрлардан йўллаган кучли зарбасини Нестеров қайтаришга эришди, бироқ қайтган тўпга биринчи бўлиб етиб келган Хусайн Салмон дарвозани оsonлик билан ишғол этди.

Учрашувда бошқа гол киритилмади ва Ўзбекистон терма жамоаси мухлисларини мазкур галаба билан хурсанд этди. Ниҳоят, 10 учрашув давом этган галабасиз серияга барҳам берилди.

Баҳрайн — Ўзбекистон 2:4

Голлар: Фаёзи Муборак, 29, Хусайн Салмон, 53 — О.Навкаргов, 6, А.Гейнрих, 12, О.Аҳмедов, 42, М.Шацких, 45+2

Эътиборли бўлайлик

Фарзандларимиз бизнинг келажакимиз, деган гапни кўп гапиримиз. Хақиқатан ҳам шундай. Биз хоҳлаймизми, йўқми ўтаётган йиллар бугун юрт равнаки учун жонфидолик билан меҳнат қилаётган ўрта авлод вакилларини кексалик сари элтади. Мактаб, коллеж ва олий ўқув юрларини тўлдириб юрган ёшлар эса улар ўрнини эгаллайди.

Демак, бугунги эзгу ишларни давом эттириш ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, иқтидори, уддабурон ва меҳнатсеварлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Республикаимиз ҳукумати шунинг учун ҳам ёшларимизнинг жисмонан етук, маънан баркамол бўлиб вояга етишлари учун кўплаб имкониятларни яратиб бермоқда. Қабул қилинаётган ёшлар камоли билан боғлиқ қатор қарорлар ижросини таъминлаш, Ёшлар йили, Соғлом авлод йили, Баркамол авлод йили муносабати билан тузилган Давлат дастурлари орқали бажарилган ишлар барчани мамнун этмоқда. Лекин, ёшлар тарбиясига оид шундай муҳим ишлар ҳам борки, уни амалга оширишда педагоглар ва ота-оналарнинг синчковлиги, эътиборлилиги зарур бўлади.

“Xabar” газетасининг 2010 йил 3 сентябр сонидаги “Тарбия зийнати”

мақоласида ана шу долзарб мавзу кўтарилди. Мақолада айтилганидек, тарбияли қиз миллатнинг юзи, шаъни ҳисобланади. Демак, биз қизларимизга бўлғуси уй бекаси, юрт келажиги бўлмиш фарзандларимизни вояга етказувчи бўлажак она сифатида қарамогимиз, улар тарбиясига жиддий эътибор бермоғимиз лозим.

Ҳурматли газетхонлар, сизларга яқинда йўлимда учраган бир ҳолат ҳақида гапирмоқчиман.

Иш билан туман марказига бордим ва кўп ўтмай уйга қайтиш учун автобус бекатига келдим. У ердаги ўриндиқда анча ўтиришимга тўғри келди. Бир маҳал келишгангина, европача кийиниб олган қиз келиб ёнимга ўтирди. Мен унинг салом беришини кутдим, лекин ундай бўлмади. Қиз менга эътибор ҳам бермасдан чўнтагидан сигарета чиқарди-ю, тескари ўтириб олганича уни ту-

татди. Қўланса ҳиддан кўнглим беҳузур бўлгач, чидай олмадим.

— Қизим, бу зорманданинг оғу эканлигини биласизми? — дедим йўталдан бўғилиб.

— Нима, очик жойда ҳам чекиб бўлмайми? — саволимга савол билан жавоб берар экан, қиз ўрнидан туриб нарироққа борди. Сўнг давом этди. — Хайрон қоламан баъзан, йигитлар чекса ҳеч ким ҳеч нарса демайди. Бирорга қиз қўлига сигарет олдим, тамом, танбех берувчилар кўпаяди.

Мен у билан тортишиб ўтирмадим, барибир фойдасиз эди.

Демоқчиманки, қизларимизга, нафақат қизларимизга балки ҳар бир бола тарбиясига ҳали гўдак пайтидан жиддий эътибор бермоғимиз лозим. “Қуш уясиди кўрганини қилади”, “Ота-она — андоза” каби мақоллар бежиз пайдо бўлмаган халқ орасида. Зеро, бола тарбияни аввало оиладан олади. Чекувчи отанинг, чекувчи онанинг фарзанди ҳам чекишга мойил бўлиши табиий. Агар биз фарзандларимизни эртага яхши инсон бўлиб вояга етишини истасак, аввало ўзимизга эътибор берайлик, камчиликларимизни тузатайлик.

Агар болажонларга оилада, боғчада ва мактабда спиртли ичимлик ичиш, чекишнинг зарари ҳақида кўп ва ҳўб тушунтирилса, у ичувчи ва чекувчилардан йироқлашади. Ўзбекона маланият ҳақида кўпроқ гапирилса, у одобли бўлиб ўсади. Бунга шубҳа йўқ.

Азиз ота-оналар, келинлар, болаларимиз ҳақида жиддийроқ ўйлайлик.

Назира ЁРАЛИЕВА
Оққўрғон тумани

BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Морзе телеграфидан биринчи телеграмма қачон жўнатилган?

“Xabar”нинг 39 (940)-сонида эълон қилинган “Телефон учун яратилган автоматик тарзда кўнгироқларга жавоб берувчи илк мослама Америка қўшма штатларида, 1950 йилда муваффақиятли синовдан ўтган?” саволига жавоб:

— Телефон учун ихтиро қилинган автоматик тарзда кўнгироқларга жавоб берувчи илк мослама Америка қўшма штатларида, 1950 йилда муваффақиятли синовдан ўтган.

БУ ҚИЗИҚ

- Шекспир ва Сервантес бир кунда, яъни 1616 йил 23 апрелда дунёдан кўз юмган.
- Нега Юлий Цезарнинг бошида доим гулчамбар бўлган? Сабаби, у тўқилаётган сочларини яшириш учун доимо лавр баргидан ясалган гулчамбар таққан.
- Қўшиқчи Ник Кейв дум билан туғилган.
- Шифокорларнинг маълумотига қараганда, йигирма нафардан битта бола кундузи туғилган.
- XV асрда Европада қизил рангини шифобахш ҳисоблаган ва беморни бошдан-оёқ қизил кийинтириб, атрофига фақат алвон рангли нарсаларни осишган.
- Инсоннинг бир тола сочи 3 килограммгача юк кўтара олади.
- Қандайдир сабаб туфайли қизарсангиз, ошқозонингиз ҳам шу рангга кирди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Қорақалпоқ Телеком” филиали жамоаси филиалининг Қаниқола телекоммуникациялар боғламаси раҳбари Камил ҚАЙБАЕВНИ 40 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлари бахту иқболини кўришликни тилайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фарғона ва Водил почта алоқаси тармоқлари ходимлари Раънохон ЖАББОРОВА ҳамда Абдулҳайт ШЕРМАТОВАРНИ 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришликни тилайди.

Хандалар

Уйда телефон жиринглади, гўшаки қизнинг отаси кўтарди. Нариги томондан йигитнинг овози эшитилди:

- Бу сенмисан, менинг хўрбақачам?
- Йўқ, бу ботқоқнинг кўжайини!

- Ойи! — телефон гўшагидан қичқирди қизи.
- Тунги соат икки бўлди, куёвингиз эса ҳалиям келмади! Менимча, у жазманингизга кетган?!
- Қизингиз, нега дарров ёмон ҳаёлга борасан? Балки, у машина тагида қолиб, реанимация ёки ўликхонада ётаётми?

- Тунги соат уч. Телефон жиринглади:
- Алло! Сиз эҳтимол ухлаб бўлгандирсиз?
 - Албатта, ухлайман!
 - Кечирасиз, эрталаб қайта телефон қиламан.

- Илтимос, директорни телефонга чақирворинг!
- Директор банд.
- Мен унинг хотини бўламан.
- Ҳамма шундай дейди.
- Унда, Люба сўрапти, деб айтинг.
- У ҳозир тушликда, Люба эса алақачон келган.

КОСМЕТИКАСИЗ ГЎЗАЛ БЎЛИНГ

Қадимда, косметика воситалари бўлмаган пайтда аёллар юзларини қандай парвариш қилишганидан хабарингиз борми?

Айтишларича малика Шаҳризода чўмилишдан олдин танасига ўсимлик ёғи қўшилган асал суртган экан. Наполеоннинг рафиқаси маф-тункор ва гўзал Жозефина танасини бир стакан сув билан тозалаган. Яъни, у тонг сарҳарда оч қоринга оддий сувга лимон шарбати қўшиб ичган. Бу унинг рангини тиниқлаштириб, чиройини очган. Маркиза де Помпадур доимо сабзи шарбатига бир қошиқ асал қўшиб ичган. Малика Клеопатра эса юзи учун ёшартирувчи суюқликдан фойдаланган. Бу суюқлик кумуш парчаси солиб тозаланган сувга қўшилган алоэ шарбати ва асалдан иборат бўлиб, малика ундан ниқоб сифатида фойдаланган.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва сақифланди.
Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят муҳрирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нукусда 554-35-45	Самарқанда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Тошкентда 288-40-66	Урганчада 226-37-16	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 314-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	----------------------	--------------------	---------------------	---------------------	---------------------	-------------------